



ОБЪЕДИНЕННЫЕ НАЦИИ  
КЫРГЫЗСКАЯ РЕСПУБЛИКА



Услубий қўлланма Тинчликни тиклаш бўйича БМТ Жамғармаси томонидан молиялаштирилган  
“Барқарор Тинчлик ҳамжамияти” лойиҳаси доирасида яратилди.

## БИРГА ЯШАШНИ ЎРГАНАМИЗ:

**Гендер тенглик ва камситмаслик соҳасида  
ўқувчиларнинг асосий компетентлигини  
шакллантириш бўйича услубий қўлланма**



ФОНД  
ПОДДЕРЖКИ  
ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ  
ИНИЦИАТИВ



Структура Организации Объединенных Наций  
по вопросам гендерного равенства и  
расширения прав и возможностей женщин

Бишкек, 2020

**Бирга яшашни ўрганамиз:**

**Гендер тенглик ва камситмаслик соҳасида ўқувчиларнинг асосий компетентлигини шакллантириш бўйича үслубий қўлланма**

Услубий қўлланма “**Мактаб таълимида гендер тенглик ва камситмаслик**” номли ўқув модулига қўшимча ҳисобланади. “Ўқув-методик мажмуаларнинг камситишга қарши ва гендер экспертизасини ўтказиш методологияси” асосида ва ижтимоий соҳа дарсликлиари ҳақида эксперт хуносаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Қўлланма 7-8 синфларда “Тарих”, “Инсон ва жамият” фанларидан дарс берадиган ўқитувчилар шунингдек, малака ошириш институтлари мутахассисларига мўлжалланган.

Қўлланма Таълимий ташаббусларни қўлловчи жамғарма экспертлари томонидан ишлаб чиқилган, уларнинг таркибида: п.ф.н. Н.А.Багдасарова, т.ф.н. Л.Г.Ставская, М.К Азимов, Т.А.Матохиналар бор. Пилотлашган муниципалитет лойиҳалар: Бишкек ш. (Свердлов, Ленин районлари), Ўш ш. (Амир-Темур, Сулайман-Тоо, Керме-Тоо МТУ), Алланаров (Аравон райони), Қора-Сув ш. (Қора-Сув райони), Новқат ва Гулистон (Новқат райони), Жалол-Обод, Сузоқ ш. (Сузоқ райони), Қизил-Қия, Сари-Булоқ (Туп райони), Угут (Оқ-Тилек райони), Қора-Бурин (Қора-Бурин райони) ўқитувчиларининг тавсиялари асосида апробациядан ўтди, тўлдирилиб, охирига етказилди.

Услубий қўлланма Тинчликни тиклаш бўйича БМТ Жамғармаси томонидан молиялаштирилган “Барқарор Тинчлик ҳамжамияти” лойиҳаси доирасида яратилди.

Лойиҳа БМТнинг Қирғизистон Республикасида Тинчликни тиклаш устуворликлари режасининг ажралмас қисми бўлиб, ЮНИСЕФ, ЮНФПА ва “БМТ-аёллар” структураси томонидан давлат муассасалари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилади

## Мундарижа

Мундарижа .....	3
Кириш	
1-боб. Гендер тенглик ва камситмаслик соҳасида асосий компетентликларга мувофиқ мақсадлар ва таълимий натижаларни аниқлаш.....	5
2-боб. Гендер ва камситишга қарши экспертиза асосида ўқув-методик мажмуалар(ЎММ) тавсифи .....	14
3-боб. Ўқувчиларда гендер тенглик ва камситмаслик соҳасида асосий компетентликларни ривожлантириш методикаси.....	23
"Инсон ва жамият" дарсларида таълимий жараёнга гендер тенглик, ижтимоий инклюзия ва камситмаслик тамойилларини киритишга мисоллар	
Тарих дарсларида таълимий жараёнга гендер тенглик, ижтимоий инклюзия ва камситмаслик тамойилларини киритишга мисоллар	40
4-боб. Гендер ҳуқуқлар ва камситмаслик соҳасида ўқувчиларнинг ютуқларини баҳолаш .....	51
Илова .....	56
1-илова. Глоссарий	56
2-илова. Гендер тенглик ва ижтимоий аралашишни илгари суриш учун асосий компетентликлар	
<b>шибка! Закладка не определена.</b>	О
3-илова. Мақсадларни белгилаш устидаги иш жараёни	61
Адабиётлар .....	<b>Ошибка! Закладка не определена.</b>

## Кириш

Ушбу қўлланма гендер тенглик ва ижтимоий тафовутларга бўлган замонавий ёндашувлар; Қирғизистон Республикасининг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглиги, шунингдек гендер билимлари, ижтимоий инклузия ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий компетентликлар бўйича халқаро ва миллий мажбуриятлар кўриб чиқиладиган "Мактаб таълимида гендер тенглиги ва камситмаслик" ўқув модулига қўшимча ҳисобланади.

Ушбу қўлланманинг вазифаси – тарих ва "Инсон ва жамият" (ИЖ) дарсларида янгича ёндашувни таълимий жараёнга қай тарзда интеграцияланишини тушунтириш. Иккала қўлланма "Ўқув-услубий мажмуаларни камситишга қарши кураш ва гендер экспертизасини ўtkазиш методологияси" асосида яратилиб, унда гендер тенглиги ва ижтимоий инклузив муаммоларни киритишни талаб этадиган соҳалар аниқланди, булар: 1) таълим натижалари 2) таълим мазмуни, 3) услублар ва технологиялар, 4) мактаб мұхити, 5) мактабнинг меъёрий майдони. Қўлланма ўқувчиларнинг таълимини ташкил этишнинг асосий шакли - дарс билан бевосита боғлиқ бўлган дастлабки учта йўналишга батафсил тўхталиб ўтади. Бироқ, қўлланма тавсиялари хавфсиз ва очиқ мактаб мұхитини яратишда, мактаб ҳамжамияти аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар қоидаларини ишлаб чиқишида ҳам эътиборга олиниши керак.

Қўлланманинг биринчи бобида гендер тенглик ва камситмаслик масалаларида асосий компетентликларга мувофиқ кутилган натижаларни лойиҳалаш технологияси келтирилган. Иккинчи бўлимда тарих дарсликлири ва ушбу соҳадаги ИЖ фанлари мазмунидаги муаммолар ҳамда гендер ва камситишга қарши экспертиза тавсиялари ҳам келтирилган. Учинчи боб тарих ва ИЖ дарсларида инклузия, тенглик ва бағрикенглик қадриятларини ўқувчиларда шакллантиришга ёрдам берадиган фаол иш шакллари таклиф қилинган. Тўртинчи бобда ўқувчиларнинг асосий компетентликларини шакллантириш даражасини баҳолашга қаратилган ёндашувлар баён қилинган. Иловага луғат ва асосий компетентликлар рўйхати киритилган. Фойдаланилган адабиётлар ушбу қўлланмани яратишда муаллифлар фойдаланган ҳужжатлар билан таниширади.

Ушбу ўқув модули Таълим ташаббусларини қўллаб-қувватлаш фонди мутахассислари томонидан БМТнинг Тинчлик ўрнатиш жамғармаси томонидан молиялаштирилган "Барқарор тинчлик учун ҳамжамияти" лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган. Ушбу лойиҳа БМТнинг Қирғизистон Республикасида Тинчликни тиклаш устуворликлари режасининг ажralmas қисми бўлиб, ЮНИСЕФ, ЮНФПА ва "БМТ-аёллар" структураси томонидан давлат муассасалари ва фуқаролик жамияти ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширилади.

## **1-боб. Гендер тенглик ва камситилмаслик соҳасидаги асосий компетентликларга мувофиқ дарснинг мақсадлари ва таълимий натижаларини аниқлаш**

Ўқув материалларининг Камситишга қарши кураш ва гендер экспертизасини (КҚҚВГЭ) ўтказиш доирасида, Қирғизистон Республикасида тенг ҳуқуқлилик ва бағрикенглик жамиятини қуришга ёрдам берадиган асосий компетентликлар ишлаб чиқилди. Ушбу компетентликларнинг ривожланишидаги ўзига хос ролни ижтимоий соҳадаги ("Тарих" ва "Инсон ва жамият") мактаб фанлари, шунингдек, ушбу фанлар билан боғлиқ бўлган мактабдан ташқари ва лойиҳавий ишлар бажаради.

Асосий компетентликлар - бу бутун шахс даражасида қадриятлар ва хулқ-атворни белгиловчи интеграл таълим натижалари ҳисобланади. Шубҳасиз, жуда аниқ таълим натижаларини киритиш керак бўлган ҳар бир дарс учун режани ишлаб чиқиш билан бундай умумий қоидаларга амал қилиш қийин. У ҳолда дарсни режалаштириш доирасида асосий компетентликларнинг таълимий натижаларини аниқлаш учун педагогик қобилиятни қандай ривожлантириш мумкин?

Бунинг учун турли хил технологиялар мавжуд ва бунинг учун ҳар бир ўқитувчи ўзининг индивидуал стратегиясини ишлаб чиқади. Шу билан бирга, ҳар бир ўқитувчи учун қулагай бўлган форматда ушбу маҳоратни ривожлантиришга ёрдам берадиган зарур қадамларни таъкидлаш мумкин.

Албатта, таклиф этилган асосий компетентликларга ориентир олган ҳолда айрим мавзуларни чиндан ҳам ўрганиш керак. Масалан, "Инсон ва жамият" фанида "Адолатли жамият" (5-синф), "Инсоннинг биоижтимоий табиати" (6-синф), "Қарама-қаршиликлар, оқилона муроса, бошқаларни тушуниш қобилияти" (7-синф), "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси" (8-синф), Жамият ва оиласидаги эркак ва аёл" (9-синф) ва бошқалар. Бир қарашда бошқа мавзулар оз даражада ушбу компетентликлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бироқ, қоидага кўра, турли-туманлик, тенглик, у ёки бу масалалар жиҳатлари, гендер ролларнинг тақсимланиши ижтимоий соҳадаги ҳар қандай мавзуда мавжуд.

Тарих дастури билан таққослаганда савол-жавоб дастури билан ишлаш айниқса қуладайдир, чунки ўқитувчида захира соатлари мавжуд, улар мустақил равишда режалаштирилиши мумкин ва баъзи мавзуларни гендер тенглиги ва ижтимоий инклузия бўйича материаллар билан тўлдириши мумкин. Масалан, қўйидаги ўқув дастурларининг парчаларини кўриб чиқинг.

Тарих дастури билан таққосланишига кўра, ИЖ дастури билан ишлаш, айниқса қуладайдир, чунки гендер тенглик ва ижтимоий инклузия бўйича ўқитувчида мустақил равишда режалаштирилиши ва қандайдир метариллар билан тўлдириш мумкин бўлган захира соатлари мавжуд. Намуна учун қўйидаги ўқув дастурларининг парчаларини кўриб чиқиш мумкин.

### **1-намуна.**

**"Инсон ва жамият" ўқув дастури, 7-синф**

I. ИНСОН

### **1-мавзу. Инсоннинг имкониятлари (1с)**

Истеъдоднинг намоён бўлиши ва унинг келажакка таъсири. Одамни тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялаш. Инсоннинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари. Инсоннинг моддий ва маънавий қизиқишлари. Инсон табиатининг шаклланиши. Инсоннинг ҳаётий позицияси

#### **1-қадам: Асосий компетентликлар тўплами билан мавзуларни таққослаш**

**Ушбу бўлимда бериладиган асосий компетентликлар ҳақидаги тўлиқ рўйхат “гендер тенглик ва ижтимоий қамраб олиш соҳасидаги “21 асосий компетентликлар” номли 2-иловага жойлаштирилган (ушбу қўлланманинг 55-бетида).**

#### **1.1. Ушбу мавзуни асосий компетентликлар тўплами билан таққослаймиз.**

Бир қарашда, ушбу мавзу бевосита гендер ва тенглик масалалари билан боғланмаган, бироқ агар асосий компетентликлар рўйхати кўриб чиқилса, у ҳолда қадриятлар ва хулқатворга йўналтирилган тематик блоклар ва бир қатор бошқа компетентликлар билан ўзаро боғлиқлигини кузатиш мумкин.

#### **Асосий компетентликларнинг тематик блоклари**

**Турли-туманликни шакллантиришда ижтимоий омилларнинг энг муҳим роли:**

1. Жинсий тафовутлардаги биологик ва ижтимоий омиллар ўртасидаги фарқни тушуниш ва тушунтириш;
2. Этник-маданий хилма-хилликнинг ижтимоий омилларининг бош ва асосий ролини тушуниш ва тушунтириш;
3. Гендер роллари нима эканлигини билиш ва гендер ролларини шакллантиришда ижтимоий ва иқтисодий омилларнинг аҳамиятини таъкидлаш;
4. Ногиронликнинг тиббий ва ижтимоий моделини фарқлаш, атроф-муҳитнинг шахс ва ижтимоий ривожланиш учун аҳамиятини тушуниш ва тушунтириш;

**Нотенглик ва камситишнинг пайдо бўлишида стереотиплар ва нотўғри тушунчаларнинг роли:**

17. Бир кишининг индивидуал/шахсий тавсифларининг гуруҳ хусусиятлари олдидағи устунлигини эътироф этиш, одамларга ва ижтимоий ҳодисаларга бўлган ўз муносабатини баҳолаш ва танқидий таҳлил қила олиш;

**Тенглик ва камситмасликнинг қадриятлари:**

20. Тенглик ва камситмаслик қадриятларини эътироф этиш;
21. Ҳаётнинг барча жабҳаларида инсон ҳуқуқлари, хилма-хиллик, ижтимоий инклюзия, гендер тенглик, диний бағрикенглик ва камситмасликнинг меъёр ва қадриятларини илгари сурадиган ахлоқни амалда қўллаш.

#### **1.2. Ушбу мавзу ва асосий компетентликларни қай тарзда эканлигини аниқлаймиз.**

Талант фақат фаолиятда ривожланади - бу дарс давомида ўрганилиши керак бўлган энг муҳим холоса. Ўқувчиларни, ҳатто энг қобилиятли пианиночи ҳам ҳеч қачон пианино олдида ўтирумagan ёки мусиқани ўрганишга уринмаган бўлса, у ўз истеъдоди ҳақида ҳеч қачон билолмаслиги ҳақида ўйлаб кўришлари таклиф қилинг. Болалар билан муҳокама қилиниши мумкин бўлган яна бир савол: компьютерлар ихтиро қилмасдан илгари иқтидорли

дастурчилар қандай иш билан шүғулланишган? Ушбу қисқа мунозарадан олинган холоса үқувчиларни ҳар қандай қобилиятни ривожлантиришда ижтимоий омиллар асосий роль үйнашини (санъат, фан, ҳунармандчилик ёки касбий фаолиятдан қатъий назар) тушунишга олиб келади:

1) мұхит (манфаатдор ота-оналар, үқитувчилар, дүстлар ва бошқа одамлар);

2) имкониятлар (шароитлар, асбоблар, мусиқа мактаби, спорт секциясининг мавжуддиги ва бошқалар);

3) меҳнатсеварлик ва инсон томонидан сарфланган меҳнат.

Табиий истеъдод фақат айрим малакалар кимдир томонидан тезроқ үзлаштирилади, кимдир томонидан секинроқ, кимдир күпроқ, кимдир камроқ ҳаракат қилиши мүмкін, аммо охир-оқибат маълум маҳорат даражасида табиий иқтидор даражаси ҳар қандай соҳада самарали фаолият учун жиддий равишда аҳамиятини йўқотади – фақат манбаатдорлик ва сарфланган меҳнатгина аҳамиятли бўлиб қолиши мүмкін.

Ушбу омилларни мұхокама қилишда мунозарага ногирон болалар муаммосини ва уларнинг ҳаётдаги муваффақияти уларнинг соғлиғи билан боғлиқ эмас, балки атроф-муҳитга боғлиқлигини ҳам киритиш мүмкін.

Қобилиятларнинг ривожланиши дастурда кўрсатилган эҳтиёжлар мавзуси билан чамбарчас боғлиқ: нафақат атроф-муҳит ва табиий мойиллик, балки шахснинг эҳтиёжлари ва қизиқишлиари ўз-ўзини ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга.

Шахснинг ривожланиши ўсмирнинг жинси билан қандай боғлиқлигини мұхокама қилиш ҳам мұҳим - ўғил ва қизлар бир хил секцияларга ва тўгаракларга тушиб қолишадими ёки бошқаларга боришадими? Бу уларнинг танлови билан қандай боғлиқ? Бу адолатданми?

Характернинг шаклланиши жинсга боғлиқми? Инсоннинг ҳалоллиги, жасорати, ёрдам беришга тайёрлиги жинсга боғлиқми? Жинсга айнан нима боғлиқ бўлиши мүмкін? Худди шу нарсани этник-маданий хусусиятларга нисбатан ҳам мұхокама қилиш мүмкін. Характернинг шаклланиши инсоннинг миллатига боғлиқми? Дарс якунида үқувчилар ушбу саволларга қўйидаги жавобларни беришлари керак - шахсий фазилатлар унинг жинси ва этник келиб чиқишига эмас, балки шахснинг ўзига боғлиқ.

Шундай қилиб, таълимий натижалар биринчи тематик блокнинг асосий компетентликларини, шунингдек тенглик ва камситмаслик қадриятларини шакллантиришга таъсир қиласи

2-қадам: Билиш даражасида таълимий натижаларни аниқлаш билан ишлаш

Билиш даражасидаги дарс мақсадларини аниқлаш мұайян тушунчаларни үзлаштирни ёки тамойиллар ва қонунийликни тушунишни ўз ичига олади. Ушбу ҳолатда қўйидаги тушунчалар билан иш олиб борилади: табиий истеъдодлар, қобилиятлар, мұхит, имкониятлар, ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожланиш каби.

Қисман даҳлдор тушунчалар – булар эҳтиёжлар ва қизиқишлардир. Ўқувчилар тушуниши керак бўлган асосий қонунийлик - бу ўсмирнинг ривожланиши ва ўзини ўзи ривожлантиришдаги ижтимоий омилларнинг мұхим роли. Сўнг билиш натижаларини қўйидагича шакллантириш мумкин:

- 1) тушунчалар ҳақида хабардорлик: табиий истеъдод, қобилиятлар, мұхит, имкониятлар, ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш;
- 2) табиий истеъдодни қобилиятларни ривожлантиришдан муайян ижтимоий шароитларда қай тарзда ажратишни билади;
- 3) қобилиятларни ривожлантиришда шахснинг эҳтиёжлари ва қизиқишларининг ролини тушунади;
- 4) табиий истеъдодларга, шу жумладан гендер ролларига ва этно-маданий мұхитта нисбатан қобилиятларни ривожлантиришда ижтимоий омилларнинг етакчи ролини тушунтириб бера олади.

### З-қадам: Қадрият даражасида дарс натижаларини аниқлаш билан ишлаш

Ушбу даражадаги натижаларни аниқлаш учун дарсда ўзлаштирилиши керак бўлган етакчи қадриятлар ва муносабатларни белгилаб олиш керак. Бундай ҳолатда, улар рўйхатдаги барча қайд этилган компетентликларда, аммо кўпроқ даражада 20-компетентлиқда: *Тенглик ва камситмаслик қадриятини тан олиш*. Қиймат даражасидаги натижаларни аниқлаш қўйидаги феъллардан фойдаланиш билан боғлиқ: тан олиш, баҳам кўриш, бошдан кечириш ва ҳ.к. Таклиф этилган мавзуларни таҳлил қилиш жараёнида ўқувчиларда эркаклар ва аёлларнинг, ҳар доим ҳам жамият кутган натижаларга тўғри келмайдиган қизиқишлари бир хил бўлиши мумкинлигига ижобий ва ҳиссий муносабатлар шаклланган бўлиши керак. Масалан, аёл илм билан шуғулланиши, эркак эса болалар тарбияси билан шуғулланиб, оила билан кўп вақт бирга бўлиши мумкин.

17-компетентликка ҳам эътиборни қаратиш зарур: *Инсоннинг индивидуал/шахсий тавсифларининг гуруҳ хусусиятларидан устунлигини эътироф этиш, одамларга ва ижтимоий ҳодисаларга нисбатан ўз муносабатини баҳолаш ва танқидий таҳлил қила билиш*. Синф ўқувчиларининг бундай йўл тутиши одамнинг ҳаётий позицияси унинг жинси ёки этник келиб чиқиши, ногиронлиги ва бошқаларга боғлиқ бўлмаган шахсий танлов эканлиги билан боғлиқдир.

Дарснинг ҳиссий жиҳатдан мұхим натижалари, қоидага мувофиқ, маҳсус ташкил этилган машқлар, ролли ўйинлар, мунозаралар орқали эришилади, уларда болалар ва ўспириналар ўзларини бошқа одамнинг мавқеига қўйишлари, қисман уларнинг тажрибаларини қайтаришлари ва ўхшаш ҳис-тўйғуларни ҳис қилишлари мумкин. Булар танқидий фикрлашда катта роль ўйнайдиган, қадриятлар ва ақл бир-биридан мустақил равишда шаклланмаганлиги, аксинча, чамбарчас боғлиқ бўлган эмпатиялар ва рефлексияларни ривожлантириш учун жуда мұхимдир.

Раҳм-шафқатга ўргатилмаган одамлар кўпинча вазиятни етарли даражада таҳлил қила олмайдилар ва бошқа одамларнинг хатти-ҳаракатларини олдиндан айтиб беролмайдилар, бу эса тушунмовчиликлар ва низоларга олиб келади.

Кутилаётган натижаларни қўйидагича ифодалаш мумкинлигини таклиф қилиш мумкин:

- 1) эркаклар, аёллар ва турли гуруҳларнинг вакиллари учун тенг қобилияtlарни тан олади;
- 2) ўрганилаётган мавзу доирасида турли одамларга тенг муносабатда бўлишликни баҳам кўради;
- 3) қобилияtlарини ривожлантира олмайдиган одамларга нисбатан ҳамдардликни ҳис қилади.

#### 4-қадам: Амалий даражада дарс натижаларини аниқлаш билан ишлаш

Ушбу натижалар материалнинг ўзлаштирилишини тасдиқловчи амалий кўникмаларни ўз ичига олади ва 21-компетентликда ўз аксини топади: *Ҳаётнинг барча соҳаларида инсон ҳуқуқлари, хилма-хиллик, ижтимоий инклузия, гендер тенглиги, диний бағрикенглик ва камситмаслик ҳолатларини илгари сурувчи ахлоқни амалда қўллаш.* Амалий кўникмаларни ривожлантиришда биринчи навбатда ўқитиш усуллари ва приемлари, дарсда ёқимли муҳитни ташкил қилиш кабилар амалга оширилади. Ушбу мавзу билан ишлашда ўқувчиларда ўзаро ҳурмат, тинглай билиш, ўз фикрларини бошқаларнинг фикридан юқори қўймасликни амалда қўллаш имконияти бўлиши ҳақидаги усулларни ўйлаб қўриш керак, бу эса ўз навбатида натижаларни билиш ва қадрият даражада ривожлантиришга ёрдам беради.

Натижаларни амалий даражада қўйидагича шакллантириш мумкин:

- 1) инсонни таҳқирловчи ибораларга нисбатан таъсиранлигини намойиш этади ва одоб билан фикрини ифода этади;
- 2) биргалиқда ишлашда бошқа ўқувчиларга бўлган ҳурматини намойиш этади;
- 3) дарс давомида ҳар қандай қийинчиликларга дуч келган ўртоқларига нисбатан ҳамдардликни ифодалайди.

#### **2-мисол.**

##### **"Қирғизистон тарихи" ўқув дастури. 8-синф. (ҳафтасига 2 соат, йилига 36 соат)**

- 1. Қирғизистон XIX-асрнинг биринчи ярмида. 2 соат.** Ҳудуди ва аҳолиси. Қирғиз қабилалари ва уларнинг жойлашиши. Ҳўжалиқ, ижтимоий структура, маъмурий-сиёсий тузилиши. Жанубий Қирғизистоннинг Қўқон хонлиги томонидан истило қилинишининг якунланиши. Мамлакат шимолида Қўқон хонлиги ҳукмронлигининг ўрнатилиши. Қирғизистон-Россия элчилик алоқалари. "Қирғизистон тарихи" ўқув дастури. 8-синф. (ҳафтасига 2 соат, йилига 36 соат)

8-синфда бу (ва бошқа мавзулар) нинг жиддий муаммоларидан бири Давлат дастури ва дарсликнинг тўлиқ мос келмаслиги. Бундай ҳолатларда, ўқитувчи учун асосий ҳужжат дарслик эмас, балки дастур эканлигини ёдда тутиш керак, яъни мавзуни ўрганиш учун дарслиқдан зарур ҳажмда фойдаланиш керак. Ушбу ҳолда дарсликнинг Зта параграфи дастурда 2 соат ажратилган мавзуга бағишиланган.

Ўрганилаётган мавзу учун муҳим бўлган қўйидаги асосий компетентликларни белгилашимиз мумкин (шунигдек, Тарих курсидаги кўплаб бошқалар учун ҳам):

#### **Асосий компетентликларнинг тематик блоклари**

##### Турли-туманликнинг шаклланишида тарихнинг ўрни

5. Гендер ролларининг тарихий табиати ва ўзгарувчанлигини тушуниш ва тушунтириш;
6. Замонавий давлатлар, миллатлар ва этно-маданий гурухларнинг мавжудлигининг тарихий моҳиятини тушуниш ва тушунтириш;

##### Нотенглик мавжудлигининг тарихий ва ижтимоий табиати

8. Иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳаларда эркаклар ва аёллар ўртасидаги структуравий нотенгликни шакллантиришда гендер ролларининг иштирокини таҳлил қила олиш;

9. Глобал, миңтақавий ва маҳаллий даражада структуравий нотенгликни шакллантиришда тарихий шароитларнинг ролини таҳлил қила олиш;

10. Заиф гурухларни шакллантиришдаги ижтимоий омилларнинг табиатини, шу жумладан айрим гурухларнинг стигматизациясини тушуниш;

11. Ижтимоий гурухларнинг камситишга мойил бўлган заифлигини белгилаш ва таҳлил қила олиш.

##### Нотенглик ва камситишнинг пайдо бўлишида стереотиплар ва нотўғри қарашларнинг роли

16. Турли этно-маданий, ижтимоий, диний ва бошқа гуруҳ вакилларига қаратилган стереотипли мулоҳазаларни ажрата олиш ва таҳлил қила олиш.

#### 1-қадам: Мавзуни асосий компетентликлар тўплами билан таққослаш

(“Гендер тенглиги ва ижтимоий қўшилиш соҳасидаги 21 асосий компетентликлар” иловасига қаранг).

Ушбу мавзу асосий компетентликлар билан қандай боғлиқ?

Ушбу мавзу Марказий Осиёда йирик давлатларнинг пайдо бўлиши ва йирик империялар ва ушбу давлатлар ўртасидаги рақобатнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ. Шундай давлатлардан бири Қўқон хонлиги. Улар нафақат катта ҳудудлар, молия, моддий бойликлар билан, балки инсоний имкониятлар - маълумотли бюрократия, ҳарбий раҳбарлар, ўқимишли қурувчилар каби жиддий ресурсларга эга эдилар. Бундай давлатлар янги ерларда қалъалар қурдилар ва уларни ҳарбий гарнizonлар орқали назорат қилишга ҳаракат қилдилар.

Шу тарзда, Бишкек ва Қирғизистоннинг бошқа замонавий ва бутун ҳудуд шаҳарлари пайдо бўлди. Шаҳар ва қалъаларда таълим, ҳунармандчилик ва савдо ривожланган. У

ердаги одамлар анча қулай ва фаровон ҳаёт кечиришди. Шундай қилиб, нотенглик чегараси давлат марказига яқин бўлган шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, шу жумладан ҳокимият, маъмурӣ ва ҳарбий ресурсларни тақсимлашдан узоқда бўлган кўчманчилар ўртасида ўтди. Нотенгликнинг ривожланишига ўтроқ ёки кўчманчилик турмуш тарзи ҳам таъсир кўрсатди. Оз сонли чорва моллари бўлган кўчманчилар ерларни ижарага олишга ва дехқончилик билан шуғулланишга, шаҳар ва қалъалар атрофида жойлашиб, йирик ер эгаларига қарам бўлишга мажбур бўлдилар.

Бундан ташқари, Қўқон хонлиги улкан этно-маданий турли-туманлиги билан ажралиб турарди. Бироқ, гуруҳлар ичида қабилаларга парчаланганлиги уларнинг бегона бошқарувга қарши туришига имкон бермади. Бундай шароитда кўплаб халқлар йирик давлатлардан - чор Россиясидан ёки Цин-Манжур империясидан ҳимоя ахтаришган. Маҳсулотларнинг хавфсиз ҳаракати ва янги бозорларни эгаллашдан манфаатдор бўлган савдогарлар давлатлараро алоқаларни ўрнатишда муҳим роль ўйнади. Бунга Россия империяси билан қирғиз қабилалари орасидаги элчилик алоқаларининг ўрнатилиши мисол бўлади.

Шунингдек, катта мол-мулкка эга бўлган одамлар орасидаги нотенглик қабилаларнинг ўзида ҳам мавжуд бўлган ва эгаларига қарам бўлганлар - бойлар ва манаплар ўртасида ҳам нотенглик бўлган. Кўпинча аёллар товарлар ёки алмашиш предмети роли сифатида ҳам бўлишган. Никоҳни тузиш қалин олишга, нуфузли оиласлар билан қариндошлик алоқаларини ўрнатиш имкон берган ва ҳ.к.

Шундай қилиб, ушбу қийин тарихий давр мисолида ўқувчиларда асосий компетентликларни ривожлантиришни кўрсатиш мумкин. Масалан, ўша даврда яшаган этник гуруҳлар бугунги кунда яшайдиганлардан фарқ қиласди, гарчи уларнинг аталиши умумий бўлса ҳам. Аёлларнинг оила ва хўжалик ҳаётдаги ўрни ўтмишга нисбатан ўзгарди. Ерга эгалик қилиш соҳасидаги муносабатларнинг ривожланиши туфайли тарихий хусусиятга эга бўлган нотенглик юзага келди.

## 2-қадам: Билиш даражасида таълимий натижаларни аниқлаш билан ишлаш

Мавзуни ўрганишга ажратилган 2 соат ичида ўзлаштирилиши керак бўлган тушунчалар, воқеалар ва улар ўртасидаги муносабатларни аниқлаш керак. Буларга ҳарбий гарнizonи бўлган қалъа, қирғиз қабилалари ичидаги тарқоқлик, нотенглик ва иерархия, аёлларнинг оиласидаги, хўжаликдаги роли ва ҳунармандчиликнинг ривожланиши киради. Кўчманчилик тарзи ва оиласий-қабилавий турмуш тартиби, ўсиб бораётган мулкий муносабатлар ва нотенглик муносабатлари яширин бўлганлиги билан боғлиқлигини тушуниш муҳимдир. Масалан, бадавлат қариндошлар учун ишлаш "ҳашар" ролини ўйнаши мумкин, гарчи кўпинча бу бирдамлик эмас, балки эксплуатациянинг кўриниши эди. Уй хўжалигига ва оиласда аёллар қандай роль ўйнаган ва эркаклар қанақа бўлишган? Иқтисодиёт ва халқаро алоқаларни ривожлантиришда савдогарлар ва савдо қандай роль ўйнаган?

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунда биз бир хил этномимлар деб атасимиз мумкин бўлган кўплаб этник гуруҳлар (қирғизлар, ўзбеклар, тоҷиклар) таркиби ва турмуш тарзи жиҳатидан турлича бўлган ва ўрганилаётган давр мобайнида тез ўзгаришган. Бошқа гуруҳлар, масалан қипчоқлар, аксинча, ҳозирги кунда уруғ ва қабилани ташкил қилишнинг алоҳида номи ва усули сифатида деярли йўқ бўлиб кетишди. 19-аср бошларида яшаган

одамларнинг аксарияти бугунги кунда Ўрта Осиё минтақасида яшайдиган ҳар қандай этник гурухларнинг, шу жумладан Чуй ва Фарғона водийлари, Иссиқкўл, Норин, Талас ва б. ҳудудларда яшовчи оиласларнинг ота-боболари бўлиши мумкин.

Шунингдек, минтақада давлатчилик қандай ривожлангани ва тақдири ўз қўшниларига боғлиқ бўлган одамлар келажагини белгилаб олишган йирик империялар кўпинча ўта кичик давлатларнинг қаршиликларини қандай қилиб енгланларини таъкидлаб ўтиш зарур.

Ўтроқ ва кўчманчилик турмуш тарзининг шаклланиши, шаҳарларга кириш, таълим, ҳарбий ёки маънавий мавқега эришиш жамиятнинг табақаланишига катта таъсир кўрсатди. Яна бир мұхим омил - бу алоҳида оиласларга ерга эгалик ҳуқуқининг берилиши ва даромадлар ва солиқлар назорат қилинадиган чегараларнинг пайдо бўлиши ҳисобланади.

Ушбу мавзу бўйича қўйидаги таълим натижаларини режалаштиришингиз мумкин:

- 1) қирғиз қабилаларининг қўшни давлатлар ва йирик империяларга боғлиқлигини тушунадилар;
- 2) шаҳарлар ва қалъаларнинг аҳамияти ва турли ҳудудларнинг нотекис ривожланиши учун уларнинг мавжудлигини таҳлил қила олишади;
- 3) улар ўсиб бораётган нотенглик ва ерга эгалик ҳуқуқининг берилиши ўртасидаги боғлиқликни тушунтира оладилар, қирғиз қабилалари ўртасидаги қарамлик иерархияси тўғрисида биладилар;
- 4) кўчманчилик каби ўтроқ аҳолининг устунликлари ва муаммоларини, улар ўртасидаги ҳамкорлик ва рақобат табиатини тушунадилар;
- 5) уруғчилик бирдамлигининг анъанавий турларидан бой қариндошлар томонидан камбағалларнинг эксплуатация қилинишини ажратা оладилар;
- 6) савдо-сотиқнинг нафақат иқтисодий, балки минтақанинг сиёсий ривожланишидаги ролини тушуниадилар;
- 7) ўзгарувчан иқтисодий ва сиёсий алмашинув шароитларининг ўзгариш доирасида аёллар, эркаклар ролининг ўзгаришини кузата оладилар.

### З-қадам: Қиймат даражасида дарс натижаларини аниқлаш билан ишлаш

Ушбу мавзуни ўрганишда мұхим хulosалардан бири бу даврда Ўрта Осиёнинг барча ҳалқлари бошдан кечирган қийин вазиятни ва ташқи кучларнинг таъсирига боғлиқлигини англаш бўлиши керак. Замонавий давлатларнинг ҳозирги ҳолати тарихан юзага келган. Турли омиллар таъсири остида ва 19-аср бошлари шароитида ҳалқларнинг ҳеч бири устунликка эга бўлмаган ва бошқаларга нисбатан зулм қилмаган. Нотенглик синфий характерга эга бўлган ва түрғун яшовчи ҳалқлар орасида янада ёрқин табиатга эга эди, кўчманчилар орасида эса ўсиб борувчи нотенгликни яшириш учун уруғчилик ва оиласларий бирдамликнинг кўплаб усувларидан фойдаланишган. Ўрта Осиёнинг барча ҳалқларига нисбатан бағрикенглик ва тенг муносабатда бўлиш дарснинг қиймат даражасидаги натижаларидан бири ҳисобланади.

Натижалар қўйидагича бўлиши мумкин:

1) турли жойлар ва миңтақалар аҳолисига нисбатан тенг муносабат билдиради, чунки уларнинг яшаш шароитлари ўртасидаги тафовутлар тарихан юзага келганлигини тушунадилар;

2) аёлларга ва аҳолининг бошқа жабрланган гуруҳларининг қарамлик ҳолатига нисбатан ҳамдардлик билдиради.

#### 4-қадам: Амалий даражада дарс натижаларини аниқлаш билан ишлаш

Амалий даражадаги муҳим натижа, улар шаклланган тарихий шароитларни ҳисобга олмаган ҳолда, стереотипли равишда тавсифланган турли гуруҳлар тўғрисидаги фикрларга нисбатан таъсирчанлик бўлиши керак. Масалан, шаҳар аҳолиси қишлоқ жойлар аҳолисини ҳақоратлашлари мумкин ёки замонавий Қирғизистон ҳудудида туғилган, қирғиз миллатига мансуб баъзи одамлар ҳозирги Тожикистондан чиққанларни "ҳақиқий қирғизлармас" деб ҳисоблайдилар. Бундай мулоҳазалар нотўғри деб қаралиши ва ўқувчилар томонидан танқид қилиниши керак.

#### Амалий натижаларни қўйидагича ифодалаш мумкин:

1) турли хил ижтимоий ва этник гуруҳларга, шунингдек Марказий Осиёда истиқомат қилувчи миллатлар шаънига нисбатан нотўғри фикрларга нисбатан бефарқ эмаслигини билдиради;

2) турли этно-маданий, ижтимоий, диний ва бошқа гуруҳларга нисбатан қизиқишини билдиради ва ҳурматини намойиш этади.

Учта даражада дарс натижаларини аниқлаш, энг аввало, материални тақдим этишнинг энг самарали усул ва приёмларини танлаш учун зарурдир. Материалнинг ўзи турли хил манбалардан олинган бўлиши мумкин. Кўпинча оддий дарсликнинг ўзи етарли. Мақсадларга таянган ҳолда, ўқувчиларга тақдим этиладиган маълумот шаклини - мунозаралар, гуруҳларда ишлаш, ўйинлар, лойиҳавий фаолият ёки бошқа интерфаол ўзаро ҳаракатларнинг усулларини пухта ўйлаб олиш зарур.

## **2-боб. Гендер ва камситишга қарши экспертиза асосидаги үқув-методик мажмуалар (ҮММ) тавсифи**

"Барқарор Тинчлик учун Ҳамжамиятлар" лойиҳаси доирасида Қирғизистонда биринчи маротаба, ижтимоий соҳадаги дарсликларни ўз ичига олган: ҳозирги кунда Қирғизистон мактабларида ўқитилаётган "Тарих", "Инсон ва жамият" каби дарсликларнинг гендер ва камситишга қарши экспертизаси амалга оширилди.

Экспертиза Қирғизистон Республикаси Таълим ва фан вазирлигининг буйруғи билан ва "Үқув-методик мажмуаларнинг(ҮММ) камситишга қарши ва гендер экспертизасини ўтказиш методологияси"га мувофиқ ўтказилди.

Ушбу бўлимда аталган ҳужжатнинг асосий қоидалари ва тавсиялари қўлланилади.

Гендер тенглиги ва ижтимоий инклюзия соҳасида умумий мезонлар материалларининг ва ижтимоий-маданий тафовутлар ҳақидаги замонавий маълумотларнинг илмий моҳиятини инобатга оладиган умумий мезонлар берилган.

### **Гендер тенглиги ва ижтимоий инклюзия соҳасида умумий мезонлар**

1) Инсон ва инсонлар жамияти биологик эволюция эмас, балки тарих қонунларига мувофиқ ривожланади, шу билан бирга инсоннинг атроф-муҳит ва баъзи биологик қонунлар билан ўзаро таъсири бу ривожланишнинг муҳим қисмидир;

2) турли жинсдаги одамлар ўртасидаги тафовутлар табиий омиллар натижасида эмас, балки ижтимоий ўзаро таъсирланиш жараёнида шаклланади;

3) турли этно-маданий груп одамлари ўртасидаги тафовутлар улар шаклланишининг ижтимоий ва тарихий шароитларига боғлиқ;

4) ҳар хил демографик тоифадаги, ижтимоий, маданий ва диний гуруҳлар одамлари ўртасидаги тенгсизлик ижтимоий ва иқтисодий муносабатларнинг тузилишига боғлиқ бўлиб, ҳозирги шароитга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган маълум тарихий шароитларда шаклланади (жумладан мустамлака жараёнлари, минтақавий меҳнат тақсимоти, гендер стереотиплар каби омиллар ва бошқалар).

Умумий мезонларга мувофиқ ҮММ мазмунини ва унинг визуал кузатувини баҳолаш учун кўрсаткичлар ишлаб чиқилган. Улар жами тўққизта ва улар бетараф табиатга эга. Гендер тенглиги ва ижтимоий инклюзия предметига оид ҮММни баҳолаш бўйича хulosалар ҳар бир параграфнинг ва яхлит ҳамма материал (боб, қисм ва бошқалар) кўрсаткичларининг мувозанатга солинган таҳлил натижалари бўйича амалга оширилади.

### **Гендер тенглик ва ижтимоий инклюзия соҳасида тарих, "Инсон ва жамият" предметлари бўйича ҮММнинг умумий таҳлили**

Тарих ва "Инсон ва жамият" предмети бўйича таҳлил шуни кўрсатдики, материал мазмуни, материални ифодалаш мантиғи ва визуал кузатилиши кўпинча салбий стереотипларни ишлаб чиқишга кўмак кўрсатадиган қоидалар ва расмларга эга эмас, жинси, ирқи, тили, ногиронлиги, этник мансублиги, диний эътиқоди, ёши, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, олган билими, келиб чиқиши, мулкий ёки бошқа ҳолати бўйича бевосита ва

бильосита камситишига, шунингдек бошқа вазиятлар, ваҳоланки гендер тенглик, инсон ҳуқуқлари, ижтимоий инклюзия ва камситмаслик ғояларини илгари суриш учун қўшимчалар ва ўзгартиришларга муҳтож.

### **1-кўрсаткич. Матнда гендер/жинсни тақдим этиш**

Экспертизанинг белгилашича, тарих ва “Инсон ва жамият” бўйича ЎММ жамият ҳаётида аёлларнинг роли ҳақидаги маълумот етарли даражада эмас. Кўпинча визуал материал эркак жинсидаги катта ёшдаги одамларни акс эттиради. Тарих дарсликларида энг яхшиси жамият ҳаётида у ёки бу даврда аёлларнинг иштирокини тасдиқловчи рақамлар келтирилади, бироқ, кенг ёритилган кейслар, аёлларнинг портрет тавсифларига мисоллар берилмаган. Қўйидагилар мустасно: Жанна д Арк, Қўрмонжон Додҳо, Роза Отунбаева.

#### Тавсиялар

Ҳар бир жинс учун аёллар/эркаклар исмларининг сони 50%га балансланган бўлиши керак. Берилган машқлар, матнни ўқиш ёки муҳокама қилиш учун тақдим қилинган матнлар ва расмлар ҳар бир жинс учун, қаҳрамонлар жинсига кўра 50% балансланган бўлиши зарур. Аёллар ва эркак жинси учун 50% нисбатда тил шаклларини(феъллар, сифатдошлар ва ҳ.к.) баланслаш керак. Масалан, жинсни ифодалаш учун от сўз туркумидан фойдаланиш имкони бўлмаган тақдирда, феъллар ёки исмларни қўллаш мумкин: “Доктор аёл касални кўрди”, “Офицер Мария” ва ҳ.к.

Қўйидаги ҳолатларга эътиборни бериш муҳим, яъни бошқа жинсдаги тарихий реал шахслар “унутилган” бўлса ва улар ҳақида нопропорционал оз ёки умуман эсланмаган бўлса.

### **2-кўрсаткич.Гендер тавсифлар**

Тарих дарсликларида гендер тавсифларга киритиш ва таҳлил қилиш мумкин бўлган маълумотлар етарли эмас. Тарихнинг ҳаммаси “эркаклар”дан(сиёsat, иқтисод, маданият) иборат. Ягона эсланиш билан жамият ривожланишининг яхлит кўринишини бериб бўлмайди. “Инсон ва жамият” дарсликларига характернинг маскулинли ва фемининли белгилар(қизлар таъсирчан, юмшоқ, ўғил болалар эса мулоҳазали, баъзида тажовузкор) ҳақида стереотипли тасаввурларга йўналтирилган матнлар, расмлар киритилган.

#### Тавсиялар

Инсон жинсига эмас, балки шахсига боғлиқ бўлган турли-туман руҳий ва ахлоқ белгилари ҳақида тасаввурларни яратиш учун ҳар бир жинс учун 50%дан кам бўлмаган ноанъанавий ва ностереотипли кўринишлар бўлиши зарур.

### **3-кўрсаткич. Оиласи роллар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши**

Тарих дарсликларида оиласи ролларнинг тақсимланиши ҳақида деярли маълумотлар йўқ, болалар, ўсмиirlар ҳақида баъзида фикр билдиришлар учраб туради. “Инсон ва жамият” дарсликларида матнларда ҳам, эҳтимолдаги стереотипларнинг барчаси бириктирилган расмли материалда ҳам оила ҳақида нотўғри маълумот берилган: эркак – оила боши, топармон, онага эса уй хўжалигини юритадиган масъулият эгаси, болаларга қарайдиган, кўп болали бўлиш культи ва ҳ.к Тенглик тарафига ўзгаришларни кўрсатадиган маълумотлар етарли эмас, ёки ўзгаришлар нотўғри, ёлғон коннотация билан берилади. Масалан: «Хозирги кунда дунё майдонида рўй бераётган индустрIALIZация, аёллар

билимининг ошиши, уларнинг касбий ўсиши ва жамоатчилик ишларига кенг жалб қилиниши оиласда эркаклар ва аёллар ўртасида рақобат ва қарама-қаршиликни пайдо қилмоқда. Бу никоҳ ришталарининг узилиши, ажрашишлар(дарслиқдан) сонининг ўсишига олиб келмоқда. Айтилган мулоҳазага кўра, “мехнат бозорида аёллар билими ва мақоми даражасининг ошиши, бошқача айтганда, унинг эмансипацияси ўзининг оқибатлари билан никоҳ алоқаларининг узилишига эга” (эксперт хулосасидан).

### Тавсиялар

Оилавий роллар ва мажбуриятларнинг тавсифи (пишириш, тозалаш, ювиш, дазмоллаш, таъмирлаш, ҳайвонларга ғамхўрлик қилиш, ёқилғи тайёрлаш, озиқ-овқат, сув етказиб бериш, боғда ишлаш, уй жиҳозларини ишлатиш ва таъмирлаш ва бошқалар), одатдаги ва ноанъанавий оилавий ролларни тақдим этиш(уй ишларида ёрдам берадиган эркаклар, қарорлар қабул қиласидиган аёллар ва бошқалар) 50% ва 50% нисбатда тавсия этилади.

Оила аъзоларининг расмлари, шунингдек, оилавий стереотипли ролни асосламаслиги керак: оналар ва қизлар тозалаш билан машғул, ота газета ўқиш ёки телевизор томоша қилиш ёки ўғил болалар билан таъмирлаш ишлари. Ўғил болалар ва қизлар битта тадбирда қатнашганлари маъқулроқ.

Авлодларни қишлоқ ва шаҳар турмуш тарзига боғламаслик керак, катта авлодни янада фаол ва ижтимоий ҳаётга жалб қилинганини кўрсатиш зарур, чунки ўқувчиларнинг бувалари ва бувилари аксарияти, агар улар нафақага чиқсан бўлса ҳам, ишлашда давом этмоқдалар.

### **4-кўрсаткич. Ижтимоий ролларни тақсимлаш.**

Умуман олганда, тарих ва "Инсон ва Жамият" дарсликларида ижтимоий роллар динамикада ва кенг тарзда тақдим қилинади, аммо мисоллар, асосан, таниқли кишиларни эслаш билан боғлиқ. Дарсликларда аёлларга қараганда эркакларнинг тасвирлари тахминан 9-10 баравар кўп. Бундан ташқари, эркаклар одатда кекса ёшда кўрсатилган. "Инсон ва жамият" ЎММда, танловга катта ёки озроқ бардошли бўлган қизлар ва ўғил болалар учун турли хил роллар белгиланган - қизлар курашолмайди, етакчилик ролини ўйнай олмайди ва ҳоказо.

Баъзи дарсликларда, ўтовлар ва отлар билан жиҳозланган пастораль қишлоқ пейзажи замонавий техника, бинолар, транспорт ва ҳатто мактаб ҳаётининг расмлари билан таққослагандаги жуда кўп.

### Тавсиялар

Ушбу стереотипларнинг такрорланмаслигини назорат қилиб туриш керак. Бу айниқса ўғил болаларнинг ривожланиши учун жуда муҳимдир, чунки кўпинча зўравонлик билан боғлиқ бўлган делинквент(файриинсоний) ва тажовузкор ахлоқ шакллари “идеал маскунлинлик (эркаклик)” образига киритилади ёки нормаллашади.

Расмларда турли хил бўшлиқларнинг мувозанати акс эттирилиши керак: шаҳар, қишлоқ, саноат, уй, табиий ландшафт ва бошқалар. Ўқувчиларда Қирғизистон ва бутун дунёда мавжуд бўлган турли муҳитлар ҳақида визуал тасаввурлар шаклланган бўлиши керак.

### **5-кўрсаткич. Касблар ва машғулотлар.**

Тарих ва "Инсон ва жамият" дарсликларидағи касблар ва иш билан бандлик соҳалари ҳақида динамикада айтилған, аммо мисоллар, асосан, таниқли эркаклар ва уларнинг тасвиirlарини эслаш билан боғлиқ. Бошқа бир тасвирий материалнинг киритилиши фақат стереотипларни мустаҳкамлайди: рулда ўтирган ҳолатда, отда, пиёда фақат эркакларни кўриш мумкин, тикув машинаси, аравача ёнида аёллар; паяльник ёки гайка қалити қўлида – ўғил бола, қўлида суғориш идиши ёки швабра билан - қизча ва бошқалар. Бундай стереотиплар меҳнат бозорида ва турли касбларга киришда номутаносибликка олиб келади.

### Тавсиялар

Эркаклар томонидан бажариладиган касблар ва касбларнинг таърифлари / тасвиirlари ушбу касблардаги аёлларнинг тасвиirlари/расмлари билан тўлдирилиши керак ва уларни битта ишларни биргаликда бажарадиган аёллар ва эркаклар тасвиirlари билан алмаштирган маъқулроқ. Расмлар қизлар/аёллар ва ўғил болалар/эркаклар анъанавий ва ноанъанавий фаолият турлари билан биргаликда шүғулланаётганлари тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

### **6-кўрсаткич. Этник гуруҳларнинг кўринишлари**

Тарих ва "Инсон ва жамият" дарсликларида турли этник гуруҳларнинг Қирғизистоннинг шаклланиши ва ривожланишидаги роли тўғрисида маълумотлар етарли эмас, жуда оз маълумотлар келтирилган. "Анъаналар таърифи асосан фақат қирғиз урф-одатларининг тавсифига берилган, кўп миллатли маданият яхлит эмас, балки фрагмент тарзда намойиш этилган. Қирғиз ва бошқа гуруҳларнинг урф-одатлари "маданий мерос" сифатида тақдим этилган, ҳозирги замон билан қандай боғлиқлиги аниқ эмас (экспертларнинг фикрига кўра). "Дарслиқда анъанавий миллий кийимларда одамлар тасвиirlangan расмлар мавжуд, аммо кўпинча бу фақат қирғиз миллий кийимлари" (экспертларнинг фикрига кўра).

"Инсон ва жамият" дарслигига киритилган атамалар ва тушунчаларга эътибор бериш зарур. Масалан, "Этнос – бу руҳий умумийликдаги маданиятда кузатиладиган лингвистик, ҳудудий, иқтисодийликка эга бўлган одамларнинг барқарор ва катта гуруҳи" деган таъриф баҳсли ҳисобланади, чунки ҳозирда ушбу хусусиятларнинг ҳеч бири амалда ишламайди. Масалан, Қирғизистон Республикасида Қирғизистонни ўз ватанлари деб биладиган 80 дан ортиқ этник гуруҳ вакиллари яшайди.

### Тавсиялар

Этник кўпчилик вакилларини тилга олиш ва тавсифлари сони, қирғизларнинг анъанавий маданияти билан боғлиқ бўлган рамзлар ва предметлар (ўтовлар, қўмузлар, қалпоқлар ва бошқалар) бошқа этник гуруҳлар ва маданиятларнинг, шу қаторда дунёнинг бошқа мамлакатлари ва минтақаларининг аҳолисини тавсифлаш сони билан мутаносиб бўлиши керак. Тахминий нисбат: 70% га 30% да.

Ҳеч қандай гуруҳ бошқаларга қараганда ривожланишнинг "илғор" / "юқори" босқичида бўлган ёки юқори ахлоқий меъёрлар ва маданий меъёрларга эга бўлган шахслар сифатида намойиш этилмаслиги керак. Бу этник кўпчиликка ҳам, кўпинча Европа давлатлари, АҚШ, Россия, Япония ва б. роль ўйнайдиган "катта биродарлик" моделига ҳам йўналтирилган тавсифларга тегишли.

Этник озчиликлар ёки бошқа давлатлар ва халқарнинг вакилларини, исмларини, шунингдек анъанавий маданият, турли халқарнинг ўзига хослиги (балалайка, дўппи, салла ва бошқалар) билан боғлиқ бўлган рамзлар ва буюмларни эслатиб, тасвирлаб бериш устувор бўлмаслиги керак. Кўпинча бошқа гуруҳлар ва маданиятларнинг вакиллари ўхшаш ишлар билан шуғулланадиган ёки ўхшаш муаммоларни ҳал қилувчилар сифатида намоён бўлишлари керак.

### **Кўрсаткич 7. Заиф гуруҳларнинг кўрсатилиши**

Тарих ва "Инсон ва Жамият" дарсликларида заиф гуруҳларга мансуб одамлар тўғрисида етарли маълумот йўқ, катталар/ногирон болаларнинг муаммолари ёки маҳсус таълим эҳтиёжлари асосан ногиронликнинг тиббий моделини акс эттиради, унда ногирон одам турли хил параметрдаги меъёрларга (масалан, саломатлигига кўра) мос келмайдиган шахс сифатида тақдим этилади.

Миграция масалаларига ва уларнинг шахслараро муносабатларга бўлган таъсирига етарлича эътибор қаратилмаяпти. "Давлат ва жамоат институтларининг инсон ҳаётидаги ўрни етарли даражада акс эттирилган эмас. Ўқувчилар ўйлаб кўришлари зарур бўлган шахс ва жамоат ўртасидаги танлов муаммоси қўйилмаган... Иқтисодий нотенглик муаммоси, шунингдек, шахсий жавобгарлик ва "қирғиз халқининг анъанаси сифатида хайрия" ҳисобига ҳал қилиниши таклиф этилади (эксперт хуносасидан).

Болалар ва ёш болалар асосан авторитетига қараб бўйсунадиган ва ўз позицияларини ҳимоя қилиш қобилиятига (ёки иродасига) эга бўлмаган одамлар сифатида тавсифланган/ тасвирланган.

### **Тавсиялар**

Катталарга/ногирон болаларга фаол ҳаёт позициясини эгаллашга ёрдам берадиган ижтимоий ва жисмоний мұхитни барча жамият аъзоларига қўшадиган ва мослайдиган ногиронликнинг ижтимоий моделини тақдим этиш керак.

Кекса одамларнинг қўллаб-қувватлашга мұхтож бўлганлари ва мамлакат ривожига ҳисса қўшадиган фаол ва ишга лаёқатли аъзолари сифатида тасвирлари ва эсланиши 50% ка 50% нисбатида мувозанатлаштирилиши керак.

Болаларнинг ғамхўрлик ва итоаткорлик обьекти сифатида тавсифи/тасвири (ҳатто жуда кичик бўлса ҳам) тавсиф ва маълумотномаларнинг 15% дан ошмаслиги керак. Болалар ҳар қандай жамиятнинг фаол ва масъулиятли аъзолари бўлиб, уларнинг позициялари ҳурмат қилинади ва уларнинг қобилияtlари ва муайян вазифаларни бажариш истаги эса қўллаб-қувватланади ва рағбатлантирилади.

### **Кўрсаткич 8. Камситиш ва нотенглик.**

Ушбу кўрсаткич бўйича тарих дарсликларида ҳам, "Одам ва жамият" дарсликларида ҳам кўплаб шарҳлар мавжуд. Экспертиза таъкидлаганидек, дарсликларда алоҳида воқеа ва ҳодисаларга субъектив баҳо берилган нотўғри, асоссиз равишда ҳиссий жиҳатдан ранг-баранг иборалар учраб туради.

"Адолат ғоясининг тенглик ғоясига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Адолатли жамият "адолатли раҳбарларга" боғлиқ деган ғоя илгари сурилмоқда. Адолат ғояси мутлақо

номақбул бўлган шахсий қадр-қимматдан иборат бўлади. Жамият ва давлат институтларининг роли тавсифланмаган. Жамият ва давлат қандай қилиб тенглик ва камситмаслик ҳолатларини таъминлаши кераклиги тушунарсиз»(экспертлар фикридан).

Шуни таъкидлаш керакки, адоват тили ҳар қандай салбий ёки камситувчи маъноларни ўз ичига олади, ҳатто улар бир қарашда бундай кўринмасада (масалан, "Кавказ миллатига мансуб шахс" ибораси) ёки вазият контекстига алоқаси бўлмаган одамларнинг ирқий мансублиги тўғрисида ҳаволалар.

Нотўғри гуруҳлар бир-бирига тўғри келмайдиган ва гуруҳнинг ўзи томонидан қўллаб-қувватланмайдиган гуруҳларнинг нотўғри номлари бўлиши мумкин (масалан, АҚШда негр эмас, балки "афро-америкалик" сўзини ишлатиш қабул қилинган; Европада "лўлилар" эмас, "рома халқлари" деб ёзиш керак, Қирғизистонда рус тилида "киргиз" эмас, "кыргыз" деб ёзиш зарур ва бошқалар). Бундан ташқари, кўп асрлар илгари маълум ҳудудда яшаган халқларга нисбатан гуруҳларнинг замонавий номларидан фойдаланиш ҳам нотўғри саналади. "Юнонлар", эмас, балки "қадимги юнонлар" ёки "Афина аҳолиси", "уйғурлар хоқонлиги вакиллари" эмас, балки "уйғурлар" деб ёзиш тўғри бўлади ва бошқалар.

Баъзан дарсликларда заруратсиз ёки далил сифатида диний манбаларга ҳаволалар берилади. Масалан, Нуҳ ва унинг ўғилларигача бўлган шажарани кузатиш мумкинлиги ҳақида ёки диний табиатга оид ҳикоят келтирилиши мумкинлиги ҳақида мулоҳазаларни учратиш мумкин.

### Тавсиялар

Дарслик матнларини асоссиз субъектив қарашларга йўл қўймайдиган ўқув-илмий услугга айлантириш, дарсликларга киритилган атамалар ва тушунчаларнинг таърифларини ижтимоий билимлар соҳасидаги замонавий ютуқларга мувофиқ бериш зарур.

Нотенгликнинг тавсифи унинг пайдо бўлиши - географик ёки тарихий шароитларнинг изоҳлари билан бирга бўлиши керак. Масалан, Европа мамлакатларининг юқори ривожланиши бошқа қитъаларнинг асрлар давомида мустамлака қилиниши билан боғлиқ. Гендер нотенглиги кўпчилик аёлларнинг хоҳиш ва истакларига боғлиқ эмас, балки ривожланиш, тарбиялаш ва таълим олиш имкониятлари билан белгиланади. Мигрантларнинг оиласлари, маҳаллий аҳолига қараганда анча қийин аҳволда, агар моддий нуқтаи назаридан бўлмаса ҳам, янги шароитга мослашиш нуқтаи назаридан ҳам бўлиши мумкин ва ҳоказо.

Матнда қизлар ва аёлларга нисбатан камситиш қандай тасвирланганига эътибор бериш зарур. Бундай камситишни нормаллаштириш, оқлашга йўл қўйилмайди. Тарих ва "Инсон ва жамият" дарсликлирида узоқ муддатли гендер нотенглиги ва камситишга етарлича аҳамият ва тарихий баҳо берилмайди, қандай омиллар туфайли ижобий ўзгаришлар рўй бергани ва аёлларнинг аҳволи яхшиланганлиги таъкидланмайди.

Ҳеч қачон гендерга асосланган, оилавий зўравонликни нормаллаштириш, оқлаш ёки романтизмга йўл қўйилмайди; жабрланувчини виктимизациялаш<sup>1</sup>. У ёки бу гендер, оилавий зўравонликни тавсифловчи адабий, бадиий асарлардан фойдаланишда

<sup>1</sup>ВИКТИМИЗАЦИЯ - одамни жиноий ҳужум қурбонига айлантириш жараёни, шунингдек ушбу жараённинг натижаси ҳам битта, ҳам оммавий тартибсизликда бўлади.

зўравонликка йўл қўйиб бўлмаслигини муҳокама қилиш, муҳокама қилиш учун тегишли саволлар билан муҳокама қилиниши керак.

### **9-кўрсаткич. Уруш, можаролар ва оммавий зўравонлик.**

Қирғизистон тарихи асосан ҳарбий воқеалар баёнига асосланган. Материалларнинг 70% дан ортиғи урушлар, қотиллклар, хиёнаткор режалар, қирғиз халқи душманларининг хиёнати, қирғиз қабилалари ва уруғларининг ўзаро ички низолари, ҳукмдорларнинг, жангчиларнинг портретли лавҳаларига бағишиланган. Материалларнинг атиги 30% тинч ҳаёт ҳақида ва кўпроқ саҳифаларда қирғиз халқининг мусибатли аҳволи тасвириланган.

Тарихни урушлар ва низолар қатори сифатида кўрсатиш қуролли қарама-қаршиликни низолар ва муаммоларни (биринчи навбатда, иқтисодий муаммоларни) ҳал қилиш усули сифатида нормаллаштиради. Шу билан бирга, тарихий жараённинг ижодий томони, маданий, техникавий ва илмий ютуқлар, қундалик ҳаёт ва турмуш тарзидаги ўзгаришлар, янги қасбларнинг пайдо бўлиши, ижтимоий ролларнинг аҳамияти назардан четда қолдирилади.

#### **Тавсиялар**

Дарсликдаги уруш ёки можаронинг ҳар қандай тавсифи иқтисодиёт, сиёsat ёки маданият соҳасидаги ривожланиш билан боғлиқ тақдимот мантиғига асосланиши керак, шу билан бирга ривожланиш жараённинг ғояси муҳим бўлиши керак ва урушлар фақат ушбу ривожланиш мантиғига зарурат бўлганда эслатилиши керак. Шу билан бирга, можарода иштирок этаётган томонларнинг роли тўлиқ кўрсатилиши керак - аёллар, қариялар ва урушлар туфайли ёрдамсиз қолган, иқтисодиётнинг пасайиши, ҳосилнинг йўқолиши, очлик ва бошқалар.

#### **Умумий хуносалар ва тавсиялар**

Тарих ва "Инсон ва жамият" дарслклари тенглик, умуминсоний қадриятлар, ижтимоий инклюзия тўғрисида етарли маълумотга эга эмас ва таълим ва тарбия мақсадларига тўлиқ жавоб бермайди. Ўрта мактаб ўқувчилари учун бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири бу диний, миллатлараро, ёш, физиологик, гендер ва бошқа ижтимоий бағрикенглик турларини шакллантиришdir. Шу билан бирга, дарслкларнинг ахборот-тавсифий ва тасвирий таркиби "мавжуд бўлиш билиш" ва "бирга яшашни билиш"нинг билим, қадрий-ҳиссий ва амалий компетентлклари даражаларини шакллантириш учун шароит яратмайди. Дарслкларда гендер-ҳис қилмаслик ёндашув механизmlари қўлланилади, улар жамиятда аёллар ва эркакларга бериладиган гендер стереотиплари ва ролларни тўғридан-тўғри тарзда мустаҳкамлайди.

Инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, ижтимоий инклюзия ва камситмасликни илгари суриш учун камситишга қарши ва гендер экспертизаси тарих дарслкларини қўйидагича тўлдириб якунлашни тавсия қиласди:

- қундалик ҳаётни (маданият, турмуш ва ҳоказо) тавсифловчи бўлимларда маълумотни кўпайтириш имконияти бўлган матнларни кўриб чиқиш, Қирғизистон тарихини шакллантиришнинг муҳим босқичи сифатида урушлар ва жангвор юришлар тўғрисидаги матнларни қисқартириш;

- дарсликнинг иқтисодий, маданий ва этно-маданий алоқалари бўйича қисмларини маънавий-ҳиссий даражани ривожлантиришга ёрдам берадиган маълумотлар билан тўлдириш ва аёллар, болалар, ногиронлар, турли этник ва ижтимоий гурухлар вакилларининг жамият ривожига қўшадиган ҳиссаси тўғрисида маълумот бериш;
- жамият ҳаётининг турли соҳаларида аёлларнинг (турли ёшдаги, турли миллат, ижтимоий ва диний қарашлари) визуал қиёфасини бериб тўлдириш;
- турли миллатдаги, ижтимоий мақомдаги қизлар/аёллар ва ўғил болалар/эркаклар, катталар/ ногирон болаларнинг биргалиқдаги фаолиятларининг анъанавий ва ноанъанавий турларини акс эттирувчи расмларни киритиш;
- Қирғизистонда яшовчи қирғизлар ва бошқа этник гурухларнинг кундалик ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни киритиш (ривожланишда ва тарихий воқеаларда эркаклар иштирокининг эксклюзивлигини диверсификация<sup>2</sup> қилиш учун);
- аёллар томонидан шакллантириладиган ва узатиладиган маданият, тил ва бошқа атрибуутларнинг шаклланиши тўғрисидаги маълумотни (ривожланишда ва тарихий воқеаларда эркаклар иштирокининг эксклюзивлигини диверсификация қилиш учун) киритиш;
- оиласий ролларни тақсимлаш тўғрисида маълумот киритиш ва гендер тенглиги томонига бўлган ўзгаришларни кўрсатиш керак;
- турли хил заиф гурухлардаги одамлар, шу жумладан болалар, ногиронлар, муҳожирлар, ночор одамлар, турли озчиликлар вакиллари ва ҳоказолар тўғрисидаги маълумотларни киритишни ўйлаб қўйиш лозим;
- ўқувчиларнинг асосий компетентликларини ўзлаштириш учун амалий кўнималарини шакллантирадиган савол ва топшириқларни қўшиш керак: жамиятнинг ижтимоий ҳаётидаги аёллар/аёлларнинг иштироки/ютуқлари, болалар ва ногиронларнинг жамият ҳаётидаги ўрни/иштироки/ютуқлари ҳақидаги саволлар ва топшириқларни (ва жамиятнинг ижтимоий ҳаётидаги ўрни/иштироки/ютуқлари) киритиш; нафақат қурбонлар сифатида); ўқувчи қизлар/ўғил болаларнинг биргалиқдаги иши учун топшириқлар сонини кўпайтириш;
- матнда биз икки жинс вакиллари ҳақида гапираётганимиздан дарак берадиган сўз туркумларидан фойдаланиш;
- матнлар ва расмлар/фоторасмлар/иллюстрацияларни бир-бирига мувофиқлаштириш;
- этномимлардан, халқларнинг, давлатларнинг замонавий номларидан фойдаланишга эътибор бериш.

Инсон ҳуқуқлари, гендер тенглиги, ижтимоий инклузия ва камситмасликни илгари суриш учун камситишга қарши ва гендер экспертизаси "Инсон ва жамият" дарсликларини қўйидагича тўлдириб якунлашни тавсия қилади:

- ҳуқуқ соҳасида замонавий илм-фан ютуқлари билан ишончлилиги тўғрисидаги матнларни қайта кўриб чиқиш;

---

<sup>2</sup> Кенг маънода диверсификация - иқтисодий фаолиятни янги соҳаларга кенгайтириш (маҳсулот турларини кенгайтириш, тақдим этилаётган хизмат турлари ва бошқалар).

- матнлар ва расмлар/фотосуратлар/иллюстрацияларни бир-бирига мувофиқлаштириш;
- дарсликнинг барча бўлимларини аёллар, болалар, ногиронлар тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан уларнинг визуал тасвирлари билан тўлдириш;
- эркаклар шуғулланаётган фаолият расмлари билан, аёлларнинг тавсифлари/расмлари билан тўлдириш(агар имкон бўлса, ногиронлар расмлари билан): шахсий, оиласвий, касбий, ижтимоий фаолиятни қўшиш;
- турли миллатдаги, ижтимоий мақомдаги қизлар/аёллар ва ўғил болалар/эркаклар, катталар/ногирон болаларнинг биргалиқдаги анъанавий ва ноанъанавий ҳаракатларини акс эттирган расмларни киритиш;
- тенглик, ижтимоий қўшилиш, камситмаслик соҳасидаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш учун топшириқларни киритиш;
- тафовутлар ва камситмаслик ҳуқуқи масалаларини турли сабабларга кўра ёритиб бериш: жинсига кўра (гендер тенглиги), ногиронлиги бўйича (ижтимоий қўшилиш), эътиқодига кўра (сўз эркинлиги ҳуқуқи), ёши бўйича(эйджизм), этник келиб чиқиши (хилма-хиллик ҳуқуқи) ва ҳоказо;
- турли хил заиф гурухлардаги одамлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш;
- гап икки жинс вакиллари ҳақида дарак бераётганигини билдириш учун матнда сўз туркумидан фойдаланиш.

Яна бир бор таъкидлаш керакки, ЎММнинг камситишга қарши ва гендер экспертизаси Қирғизистонда биринчи марта ўтказилмоқда, дарслик мұаллифлари ва ўқитувчилар учун қўлланма эса энди ишлаб чиқилмоқда. Шу муносабат билан, ҳозирги пайтда гендер тенглиги, ижтимоий инклюзия ва камситмасликнинг асосий йўналиши бўйича ўқув жараёнини режалаштириш ва ташкил этиш кўп жиҳатдан ўқитувчининг компетенлиги ва ўқувчилардаги хилма-хиллик ва камситмаслик қадриятларини шакллантириш, барча (шу жумладан жинс) ва инсон ҳуқуқлари тенглигини; бошқага ҳурмат, янги ва нотанишларга нисбатан очик муносабатни тарбиялашни шакллантиришга боғлиқ.

### **3-боб. Ўқувчиларнинг гендер тенглиги ва камситилмаслик соҳасидаги асосий компетентликларни ривожлантириш ўсуллари**

Демократик жамиятнинг асосий тамойилларидан бири аёллар ва эркакларнинг барча соҳаларда тенг ҳуқуқларини эътироф этиш ва уларни амалга ошириш учун шароит яратишдир. Гендер тенглигига эришмасдан туриб, тўлиқ демократик жамият қуриш мумкин эмас. Ушбу муаммо тарихга ва жамиятшуносликка оид таълимнинг янгиланиш шароитида жуда долзарб бўлиб қолмоқда. Ўқувчиларнинг фуқаролик масъулиятини, ҳуқуқий онгини, бағрикенглигини, жамиятда муваффақиятли тарзда ижтимоийлашиш ва меҳнат бозорига фаол мослашиш қобилиятини шакллантириш тарбиянинг энг муҳим вазифасидир.

Мактабда тарих ва "Инсон ва жамият" фанини ўқитишида гендер ёндашуви жамият ва маданиятни идрок этишнинг янги моделларини тасдиқлашни, далилларни эътиқод ва қарашлардан ажратишни англатади. Фуқаролик жамиятининг барча аъзолари учун муҳим кўникма бўлган гендер таъсирчанлигини, шахсга бўлган ҳурматни ва сиёсий хушмуомалаликни ўз ичига олиши керак. Гендер стереотипларни камайтириш орқали гендер таълим ўқувчиларга ҳақиқий фуқаролик тенглигига эришишга ёрдам беради, бунда эркаклар ва аёллар ҳамкорлик ва ҳурмат руҳида биргаликда мавжуд бўладилар.

Барча болалар ўзларини юқори даражада уюшган ва турли хил хусусиятларга эга бўлган такрорланмас шахс сифатида қабул қиласидиган шароитларни яратиш зарур. Гендер стереотиплари шахс ривожланишида ва нафақат қизларнинг, балки ўғил болаларнинг ҳам тўлиқ имкониятларини рўёбга чиқаришда тўскىнлик қилиши мумкин.

Гендер ёндашувининг асоси - жинслар ўртасидаги деярли барча анъанавий тарздаги "табиий" тафовутлар биологик эмас, балки ижтимоий асосга эгалиги ҳақидаги тасаввур бўлади.

Жинсий ёндашувга мувофиқ, тарих дарсларида баъзи тарихий воқеалар ва ҳодисаларни таҳлил қилишда, шунингдек, "Инсон ва жамият" фанидан машғулотлар давомида ўз ҳаракатларининг мисолида, ўқувчилар иккала қиз ҳам, аёл ҳам, ўғил ҳам, эркак ҳам битта нарсани бошдан кечиришлари ва бир хил ҳиссиётлар ҳамда бир хил ижтимоий ролларни бажаришлари мумкинлигини тушунадилар.

Худди шу нарса нафақат жинсга, балки жамиятнинг айрим гурухлари ва қатламларига тегишли бўлганда ҳам камситмаслик ҳолатларига ҳам тааллуқлидир. Камситмаслик - бу барча фуқароларга тенг ҳуқуқларнинг берилиши<sup>3</sup>. Тарих ва "Инсон ва жамият" дарсларида камситмаслик тамойили замонавий ўқувчи шахсини шакллантириш омилларидан биридир.

<sup>3</sup> Экономика. Толковый словарь. —

М.: «ИНФРА», Издательство "Весь Мир". Дж. Блэк. Общая редакция: д.э.н. Осадчая И.М., 2000

Тарих ва "Инсон ва жамият" фанини ўқитишда гендер ва камситишга қарши ёндашувни жорий этиш учун ўқитувчиларга қуйидагиларни таълимга киритиш тавсия этилади:

- *мазмун дарајасида*: гендер ва камситишга қарши масалалар бўйича айрим мавзулар; мұхокама қилиш учун ушбу масалани тавсифловчи сюжетлар (ҳолатлар, воқеалар; статистик маълумотлар билан боғлиқ фактлар); ўрганилаётган мавзууни мустаҳкамлаш босқичида очиқ саволлар ёки ёпиқ тестлар;
- *усуллар дарајасида*: бизнес ва ролли ўйинлар (масалан, суд-дарси), мунозаралар, баҳс-мунозаралар, амалий машғулотлар, амалий ишлар, лойиҳавий, тадқиқотчилик фаолияти, жуфт ва кичик гурухларда ишлаш.

Гурухларни шакллантиришда ўқитувчи ўқувчиларга индивидуал типологик хусусиятларни ва дарс олдида турган мақсадларни ҳисобга олган ҳолда дифференциал ёндашувни амалга ошириши керак. Методистлар гурухлар тузишнинг бир неча үсулларини белгилаб кўрсатадилар, уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

### 1. Ихтиёрига кўра.

Белгиланган миқдор бўйича гурухлаш амалга оширилади: "... одамдан иборат гурухларга тўпланинг".

### 2. Тасодифий.

"Тасодифий" гурухни шакллантириш үсуллари: қуръа ташлаш; яқинроқ ўтирганларнинг бирлашиши (битта қаторда, синфнинг бир қисмида); импровизация қилинган "фантлар" ёрдамида.

Ушбу шакллантириш усули ўқитувчининг олдида болаларни қандай ҳамкорлик қилишини ўргатиш вазифаси турган ҳолатларда фойдалидир. Усул ўқувчилар ўртасида одатда дўстона муносабатлар ривожланган синфларда ҳам қўлланилиши мумкин.

### 3. Муайян белгига кўра.

Бундай белги ўқитувчи ёки ҳар қандай ўқувчи томонидан берилади. Исмнинг биринчи ҳарфига қараб ажратишиниз мумкин (унлилар, ундош ҳарфлар), йилнинг қайси фаслида туғилганига кўра (тўрт гурухга бўлиниш), карточкаларнинг ранги ва ҳ.к.

Бу бўлиниш усули шуниси билан қизиқки, у дастлаб кичик гурух аъзоларини бирлаштирадиган умумий хусусиятни яратади, яъни, уларни бирлаштирадиган ва шу билан бир вақтда уларни бошқалардан ажратиб туради. Бу гуруҳда бир-бирларини ҳиссий қабул қилиниши учун замин яратади.

### 4. Раҳбарнинг танловига кўра.

Лидер ўқитувчи томонидан (мақсадга мувофиқ) ёки талабалар тайинланиши мумкин. Гурухларни шакллантириш лидерларнинг ўзлари томонидан амалга оширилади.

##### 5. Ўқитувчининг танловига кўра.

Бундай ҳолда, ўқитувчи педагогик вазифани ҳал қилиш учун гурухлар ташкил қиласди. У яқин интеллектуал имконияти бўлган ўқувчиларни, шунга ўхшаш иш темпи билан ўқувчиларни бирлаштириши ёки аксинча, тенг кучдаги жамоаларни яратиши мумкин.

Ижтимоий инклузияни ҳисобга оладиган тарих ва "Инсон ва жамият" фанини ўқитиш ўқувчиларга қўйидагиларни тушунишда ёрдам беради:

- ҳар бир инсон ҳис эта олиш ва ўйлаш қобилиятига эга;
- ҳар ким сұхбатлашиш ва бошқалар томонидан тингланиш ҳуқуқига эга;
- ҳамма одамлар бир-бирига муҳтоҷ;
- ҳамма одамлар тенгдошларининг қўллаб-қувватлашига ва дўстлигига муҳтоҷ;
- тараққиётга эришиш - бу нима қила олишларидан иборат;
- хилма-хиллик инсон ҳаётининг барча соҳаларини мустаҳкамлайди.

**Гендер тенглиги, ижтимоий инклузия ва камситмаслик тамойилларини ўқув жараёнига "Инсон ва жамият" фанидан дарсларга қўшишга мисоллар.**

##### "Ижтимоийлаштириш" мазмуний линияси

"Инсон" бўлимида ўқувчиларни этник-маданий хилма-хилликда етакчи роли ижтимоий омилларга тегишли эканлигини, уларнинг эътиборини ижтимоий гурухларнинг вакиллари сифатида эркаклар ва аёллар турлилигига эмас, кўпроқ ўхшашлигига қаратиш лозим. Бу, шунингдек, эркаклар ва аёлларнинг ҳаддан ташқари кўп сонли психологияк хусусиятларига ва турли хил ижтимоий ролларни бажариш учун зарур бўлган шахсий хусусиятларига ҳам тегишли. Шундай қилиб, эркак ва аёл ролларини қатъий фарқлаш учун ҳеч қандай жиддий сабаб йўқ; эркаклар ва аёлларнинг ижтимоий роллари ўзаро бир-бирини алмаштира оладиган ва ўхшашдир.

Қобилияtlарнинг ривожланиши ва шаклланишида, уларни ривожланишини жадаллаштирадиган таълим алоҳида роль ўйнайди. Қобилияtlар фаолият жараёнида ўз-ўзидан ривожланиши мумкин, аммо бунинг учун кўпроқ вақт ва куч талаб қилинади. Таълим натижасида бола воқеликнинг қонуниятлари, инсоният томонидан тўпланган тарихий тажриба, қобилияtlарнинг шаклланиши ва ривожланишини таъминлайдиган муаммоларни ҳал қилишнинг оқилона усувлари ҳақида билим олади.

Ўқувчилар камситиш тушунчасини, унинг намоён бўлиш шакларини билишлари ва тушунишлари, диний ва этник бағрикенгликни намойиш этишлари керак.

### 1-мисол. "Оила" машқи

1-қадам. Чақириш. Ўқитувчи синфда мұхокама қилиш учун саволларни беради: Уйдаги вазифаларнан қандай? Масъулиятни бундай тақсимлаш түғрисида ким қарор қилди? Сиз уларниadolatli деб ҳисоблайсизми? Нима учун? Ўқувчиларнинг фикрлари ҳеч қандай изоҳсиз тингланади.

2-қадам. Ўқитувчи қизнинг кундалигида тасвиirlанган вазият билан танишишни ва уни ижтимоий адолат нуқтаи назаридан кўриб чиқишини таклиф қиласди. Синфда "ижтимоий адолат" нима эканлигини мұхокама қилинг (ушбу қўлланмадаги глоссарийга қаранг).

«*Бу мен билан кўп марта содир бўлган. Онам кечки овқатдан кейин болалар барча идиш-товоқларни ошхонага олиб борадилар, столни тозалайдилар, идишларни ювадилар, ҳамма нарсани шкафга қўядилар, умуман олганда ошхонани тоза ва озода қолдиралилар деб умид қиласди. Ҳар доимгидек, менинг иккита акам ошхонадаги барча ишларни менга юклашади: "Сиз қиз боласиз, шунинг учун ошхона бу сизнинг ташвишингиз!" Мен бу сафар ҳам баҳслашмадим, фойдасиз! Аммо жуда ачинарли, ҳеч ким менга ёрдам беришини хоҳламайди. Мен отамга шикоят қилдим, аммо у уй хўжалигини юритиш мен учун жуда фойдали эканлигини айтди, чунки бу келажакда уй бекаси бўлиш учун жуда яхши тайёргарликдир ...*»

3-қадам. Матнни ўқиб бўлгач, ўқувчилар вазиятни мұхокама қилишлари учун кичик гурӯҳларга бўлинешлари керак. Мұхокама конструктив тарзда ўтиши учун гурӯҳларда ўқувчиларнинг ролларини тақсимлаш тавсия этилади: она, қиз, ака-ука, ота. Гурӯҳдаги ҳар бир киши ролига кўра ўз фикрларини билдиради. ДИҚҚАТ! Ўқувчилардан стереотипларга амал қилмасликларини, балки ҳолатни яхшилик тарафга ўзгартиришни хоҳлаган "идеал" қаҳрамонлар ролини ўйнашларини сўранг.

Саволлар ва топшириқлар:

1. Ушбу вазиятни ижтимоий адолат нуқтаи назаридан қандай баҳолайсиз?

2. Қандай қилса, оилада ҳамма учун яхши бўлади?

3. Маслаҳатлар ишлаб чиқинг: уларга вазиятни яхши тарафга ўзгартиришга ёрдам берадиган оналарга, қизларга, ака-укалар ва оталарга. ЁКИ: оиладаги мажбуриятларни анъянавий ғоялар асосида эмас, балки тенглик ва адолат тамойилларидан келиб чиқиб тақсимлаш қоидаларини ишлаб чиқинг.

4-қадам. Гурӯҳлар тақдимоти. Мини-мунозара.

5-қадам. Ўқитувчи саволларга жавоб бериш орқали хулоса қилишни тақлиф қиласди: Ушбу машқни бажаришда мен учун нима муҳим эди? Ўзим учун қандай сабоқларни олдим/ўргандим? (Индивидуал). Вақтга қараб, бу қадамни оғзаки (ўқувчилар ўз фикрларини занжир тарзда битта жумлада ифодалашлари керак) ёки ёзма равища (қисқа эссе шаклида) амалга оширилиши мүмкин.

Ўқитувчи учун шарҳ.

Машқ ўқувчиларнинг фаол луғатига "ижтимоий адолат" атамасини киритишга имкон беради. Кейинги дарсларда ушбу стратегиядан фойдаланган ҳолда (вазиятни берилган роллар нуқтаи назаридан таҳлил қилиш) ўқувчилар дуч келадиган бошқа ҳаётий ҳолатлар ва вазиятларни муҳокама қилиш мүмкин. Эҳтимол, машқни уюштиришда қўшимча ҳуқуқий материаллар талаб қилиниши мүмкин, масалан: "Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция", "Оила кодекси".

## 2-мисол. "Синфда янги қиз" машқи

1-қадам. Чақириш. Ўқитувчи ўқувчиларга саволлар билан мурожаат қиласди: *Сиз синфда янги ўқувчилар билан қандай учрашасиз? Сизни янги жамоага қабул қилишлари учун нима қиласиз?*

2-қадам. Ўқитувчи бошқа мактабдан кўчиб, у учун янги синфга келган қиз билан бўлган воқеани муҳокама қилишни тақлиф қиласди

*"Мен янги синфга келдим. Мактаб майдонида дарслардан сўнг мени олтита ўғил бола (менинг янги синфдошларим) ўраб олишди ва мени муҳокама қилишни бошлидилар: ташқи кўринишиш, соч турмагим, оиласи, қаерда яшаётганим ҳақида саволлар беришди. Мен бу саволларни шилқимлик деб ҳисобладим ва уларга жавоб беришни хоҳламадим. Кейин улардан бири ёнимга келди ва менинг рюкзагимни олмоқчи бўлди, мен уни тортиб олдим ва чопиб кетишга тайёрланиб турган эдим, аммо ўша пайтда ...".*

3-қадам. Ўқитувчи саволларни беради: Кейин нима бўлиши мүмкин? Вазиятни қандай ҳал қилиш мүмкин? Ўқувчилар индивидуал равища ўйлаб кўришлари ва жадвални тўлдиришлари тавсия этилади:

Қиз бола қандай ҳисларни бошидан кечиради?	Ўғил бола қандай ҳисларни бошидан кечиради?	Ушбу ҳолатни ҳал қилиш учун қандай қадамларни қўйиш мүмкин?

5-қадам. Кичик гуруҳларга бирлашиб, ўқувчилар ўз ёзувларини муҳокама қиладилар ва низоли вазиятни тинч йўл билан ҳал қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқадилар.

6-қадам. Гуруҳлар тақдимоти. Мини-мунозара.

7-қадам. Рефлексия. Ўқитувчи қўйидаги жумлани яқунлашни таклиф қиласди: Бугун дарсда мен ... англадим. Ўқувчиларнинг илтимосига биноан улар нима ёзганликларини ўқиб беришади.

Ўқитувчи учун шарҳ.

Кўпинча, кучли позицияда бўлганимизда (кўпчилик сонда ёки одатдаги вазиятда), биз озчилиқда бўлган ёки нотаниш жамиятга тушиб қолган ва бизнинг ёрдамимизга муҳтож бўлган одамларга ачинмаймиз. Бундай вазиятга, ҳар ким, унинг иродаси ёки хоҳишидан қатъи назар, тушиб қолиши мумкин. Агар кўпчилик яхшироқ мавқега ва шунга мос равишда ҳокимиятга эга бўлса, у озчиликтинг ҳолатига бефарқ бўлади, можаролар бўлиш эҳтимоли мумкин. Шунинг учун одамлар ва ижтимоий ҳодисаларга бўлган муносабатини баҳолай билиш ва танқидий таҳлил қила олиш жуда муҳимдир.


### 3-мисол. "Мусиқий истеъдод нишоналари" машқи

Болаларнинг қобилиятларини ривожлантириш муаммосини кўриб чиқиб, таниқли совет психологи Я. Л. Коломенский томонидан келтирилган матнни ўқинг.

*"Тинч океанидаги олис оролда бир бола ажойиб мусиқий истеъдод билан туғилди. Бироқ, унинг қабиласи одамлари ҳеч қандай мусиқани билмайди, якка овозда куйлашини ва барабандан бошқа мусиқа асбобларини билишмайди? У ким бўлиб улғайиши мумкин? Нарин борса, бу бола орол тарихида энг ажойиб барабанчи сифатида қолади. Бошқача қилиб айтганда, у маълум бир ижтимоий шароитда мумкин бўлган мусиқий истеъдодининг ривожланиши даражасига етади. Агар у мусиқа маданияти ривожланган мамлакатда бўлиб қолганида эди, яхши устозлар қўлида бўлганида эди, унинг тақдиди умуман бошқача бўлар эди".*

Саволлар ва топшириқлар:

1. “Боланинг мусиқавий истеъдодини ривожлантиришга кўмак кўрсатадиган омиллар” кластерини яратинг.



2. Юқори ривожланган мамлакатда нима учун боланинг тақдиди бошқача бўлиши мумкин эди?

3. Қандай ижтимоий шароитлар ҳақида гап кетяпти?
4. Агар қиз туғилиганида, бу вазиятда нима үзгарган бўлар эди?

Ўқитувчи учун шарҳ.

Талант фақат фаолиятда ривожланади - бу дарс давомида ўзлаштирили керак бўлган энг муҳим хulosса. Тиришқоқлик, одамнинг баъзи бир мавжуд истеъдодининг фаолиятга бўлган қизиқиши үнинг қобилияти тузилишини ўзгартириши мумкин - бу шахсий фаолият омили. Ўқувчиларни қобилиятларни ривожлантиришда асосий ролни ижтимоий омиллар ҳам ўйнаши мумкинлигига бўлган фикрга олиб келиш.

#### **4-мисол. "Жаҳон динлари" машқи**

1-қадам. Ўқитувчи ўқувчиларни кичик гурӯҳларга, жаҳон динлари: буддизм, христианлик, исломга<sup>4</sup> оид матнлар билан ишлаш учун бирлаштиради. Ҳар бир гурӯҳ матнлардан бири билан ишлайди, таҳлил қиласи ва жадвалнинг тегишли устунини тўлдиради. Гурӯҳларда ишлаш учун 10-12 дақиқа вақт берилади.

Динлар	Буддизм	Христианлик	Ислом
Диннинг вужудга келиш вақти ва ўрни			
Диннинг асосчиси			
Тармоқлар, дин йўналишлари			
Дин эътиқодлари асослари			

2-қадам. Гурӯҳлар тақдимоти (5 дақиқа).

Қадам 3. Бутун синф билан ишлаш. Вазифа: дунё динларидаги умумийликни топинг.

1-илова

Буддизм эрамизга қадар биринчи минг йилликнинг ўрталарида Ҳиндистон шимолида пайдо бўлган. Буддизм асосчиси бизнинг эрагача 560 йилда туғилган Сиддхартха Гаутама бўлиб, кейинчалик "фикри равшанлашган" деган маънони англатувчи "Будда" номи билан танилган. Унинг отаси кичик бир вилоятнинг рожаси эди. Анъанага қўра, Будданинг туғилиши пайтида ер силкиниб, турли хил мўъжизалар содир бўлган. Ҳиндистон шаҳзодаси Сиддхартха Гаутама беғам ва баҳтли ҳаёт кечирарди. Ота ўғлининг дабдабали яшашини таъминлаган, севган қизига ўйлади, ҳаётда қандай қийинчиликлар борлигини яширишга ҳаракат қилган.

Аммо, йигирма тўққиз ёшида, Гаутама саройни тарқ этади, бошпанасиз саёҳатчига айланади ва қўйидаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қиласи:

- Дунёда нега қайғу ва оғриқ кўп?
- Нега одамлар қарийди ва ўлади?

<sup>4</sup> По материалам мультимедийного комплекса «Билим булагы»: раздел «История»: <https://clck.ru/HwTxm>

- Қандай қилиб одам азоблардан қутулиши мумкин?

Шаҳзода етти йил саёҳат қилди ва күнлардан бир күн Бодхи дарахти остида ўтирганида унинг фикри равшанлашади. У ўз саволига жавоб топди. Ўзининг кашфиётидан ҳайратга тушган йигит, у бир неча кун шу дараҳт тагида ўтириди ва кейин одамларга янги таълимотни ваъз қила бошлади. Будда одамларнинг табақасига ва тоифасига қарамасдан туғилишига кўра тенгликни эълон қилди.

Будда очган асосий ҳақиқатлар:

- инсоннинг бутун ҳаёти - азобланиш;
- азобланиш сабаби - бизнинг хоҳишимиз;
- азоб-үқубатлардан халос бўлиш учун хоҳишлардан халос бўлиш керак;
- хоҳишдан халос бўлиш учун саккизта нажот йўлидан бориш керак.

Буддизм тарафдорлари орасида кейинчалик бўлиниш юз берди ва иккита йўналиш пайдо бўлди: қатъий консерваторлар - Тхеравадинлар (Тхеравада) ва мўътадил Махасангхиклар (Махаяна). Буддизмда иккита асосий тармоқдан ташқари яна кичикроқ оқимлар ва секталар мавжуд.

Буддизм эҳтиросларга берилмасликни, ғазабланмасликни ва бошқаларга зарар бермасликни, ёлғон сўзламасликни, туҳмат қилмасликни, қўпол сўзларни айтмаслик, иккиюзламачилик қилмаслик, тирик мавжудотларни ўлдирмаслик, ўғирлик қилмаслик ва зино қилмаслик, нафратда яшамаслик, мұхтожларга ёрдам бериш, тўғри ҳаёт тарзини юритиш, тўғри интилишларга эга бўлишни таълим беради.

### 1-илова

Христианлик эрамизнинг I асрида Фаластинда пайдо бўлган. Христианликнинг асосчиси Исо Масих эди. Ўттиз ёшгача унинг ҳаёти ҳақида деярли ҳеч нарса маълум эмас. У эрамиздан аввалги 4-йилда Байтлаҳмда туғилган, яхши таълим олди. 30 ёшга тўлган Исо Масих чўқинтирилди, 40 кун давомида у учта нафсни - очлик, ҳокимият ва эътимодни рад этиб, иблис билан курашди ва қайтиб келганидан сўнг ўз тарғиботини бошлайди.

Аста-секин, христианлик инсонни барча баҳтсизлиқдан қутқариши, абадий ҳаёт ҳақидаги ғоялар унинг атрофига тобора кўп одамларни жалб қилди. Масихийларнинг сабртоқати ва камтарлиги, ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик ғоялари нафақат камбағаллар, балки аҳолининг ўрта ва ҳатто бой қатламлари томонидан ҳам қабул қилинди.

325 йилда император Константин даврида христианлик Рим империясининг давлат дини сифатида тан олинган.

1054 йилда христианликни рим католик черковига, маркази Римда ва православ черковига, маркази Константинополда бўлган икки бўлакка бўлишди. XVI асрда Европада Ислоҳот натижасида протестантлар католиклардан ажralиб чиқдилар.

Христианликнинг асосий қоидалари Инжилда баён этилган. Бу қадимий матнлар тўплами бўлиб, у Эски ва Янги Аҳдлардан иборат. Муқаддас Китоб энг кўп ўқилган китоблар орасида биринчи ўринда туради.

Христиан ахлоқининг асосий амри бу Худони севишидир. Христианлик ўз яқинини севиши қўллаб-қувватлайди, ота ва онани ҳурмат қилишга, ўлдирмасликка, зино қилмасликка, ўғирламасликка ва ёлғон гапирмасликка чақиради. Христианлик юонларни ҳам, яҳудийни ҳам рад этишини эълон қилган.

### З-илова

Ислом - учта дунё динларидан бири бўлиб, VII асрда Арабистонда пайдо бўлган. Арабчадан таржима қилинганда Ислом "Аллоҳга бўйсуниш, итоаткорлик" деган маънони англатади. Дин асосчиси Мұҳаммад тахминан 570 йилда Маккада туғилган. У Қурайш қабиласидан чиқкан, чўпон бўлган, карвон савдоси билан шуғулланган. 610 йилдан Мұҳаммад (у ўша пайтда 40 ёшда эди) янги дин тарғиботчиси сифатида ҳаракат қила бошлади. У ўзини Аллоҳнинг элчиси ва пайғамбари деб эълон қилди. Ўз ваъзларида Мұҳаммад ягона Аллоҳга ишонишга даъват этган, имон эгаларининг биродарликлари ва оддий ахлоқий меъёрларга риоя қилиш тўғрисида гапирди. Дастлаб унинг ваъзлари Мұҳаммаднинг ватани бўлган Маккада тан олинмаган ва 622 йилда у ўз тарафдорлари билан Мадинаға ҳижрат қилишга мажбур бўлган. Саккиз йил давомида Мұҳаммад тарафдорлари ва Макка мушриклари ўртасида кураш давом этди. 630 йилда мусулмонлар Маккани забт этдилар ва у Исломнинг марказига айланди.

Мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръондир. Исломда иккита йўналиш - суннийлик ва шиаликка қўшимча равишда бошқа кўплаб оқимлар мавжуд.

Ислом динининг асослари Исломнинг беш рукнидир:

1. Ягона Аллоҳга ишониш
2. Беш вақт намоз
3. Садақа - муҳтожлар фойдасига солиқ
4. Рўза
5. Макка ва Мадинаға ҳаж.

Ислом судхўрликни, одамлар ўртасидаги тенгсизликни қоралайди, инсон ўлчовни билиши, яхши иш қилиши, эҳтиёткорлик, сабрли, камтар, ростгўй, билим олишини керак. Исломда айтилишича, араб билан араб бўлмаган, оқ ва қора ўртасида фарқ йўқ ва ҳамма одамлар тароқ тишлари каби тенгдир.

5-мисол. "Олиб қочиш одати: кейс билан ишлаш "

"Жамият" бўлимида "Маҳаллий маданият. Яшаш жойи" мавзусида "Олиб қочиш" анъянасини муҳокама қилиш учун таклиф қилиниши мумкин.

Топшириқ: Иккита ҳикоя билан танишиб чиқинг ва саволларга жавоб беринг.

*Бақит ва Айгерим битта синфда ўқишиган, бирга мактабни битиришиган. Мактабдан сўнг улар Бишкекка жўнашди ва Америка университетига киришди. Иккинчи курсда Бақит дўстларига келиб, Айгеримга уйланиш истаги борлигини эълон қилди. Дўстларидан унга Олиб қочиш маросимини ўтказишида ёрдам беришларини сўради. Дўстлар кўллаб-қувватлаб, ёрдам беришди. Келишув бўйича қиз ташқарига чиқди ва бир мунча вақт ўтгач, у Бақитнинг уйида бўлди. Ҳозир баҳтли оила АҚШда яшайди, уларнинг икки фарзанди бор. Бақит ҳозирда аналитик хизматда ишлиайди, Айгерим Колумбия университетини тамомлаган, магистр даражасига эга ва ўқитувчилик билан шуғулланади.*

27-май куни 30 ёшли Марс Бодошев 19 ёшли Бурулай Турдалиевани унга уйланиш учун ўғирлаб кетган. Қиз уни севмайди ва бошқа йигитга турмушга чиқишини режалаштирган эди. Улар постда ушланган. Қотиллик туман полиция бўлимида содир бўлган. Сўроқдан кейин Бурулай фуқаролар қабулхонасида қолдирилган, йигит шу ерда қизни ўлдирган.

*Жамоатчилик қўзғалиб кетди, аёлларга нисбатан зўравонликка қарши ва шахсий эркинлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун митинглар бошланди.*

### Саволлар

1. Қандай вазиятда инсон ҳуқуқлари бузилмоқда? Нима учун сиз шундай деб ўйлайсиз?
2. Сизнингча, Олиб қочиш анъянасини сақлаб қолиш керакми?
3. Ушбу анъянанинг бирон бир ижобий томони борми?
4. Дўстларингиз ҳаётидан ёки китоблардан, фильмлардан мисоллар келтиринг. Уларга баҳо беринг.

### Қўшимча маълумот

"Бир мунча вақтдан бери "Олиб қочиш" нашр этилган адабиётларда қирғизларнинг одатий амалиёти сифатида кенг қабул қилинган. Бироқ, қирғизлар орасида Олиб қочишни "қирғизларнинг үрф-одати" деб ҳисоблаш тўғрисида ягона фикр мавжуд эмас. Қирғиз тилида "ала качуу" сўзма-сўз "олиб қочиш" деган маънени англатади".

1938 йилда Фаннина Хале ўғирлик амалиётини таърифлаб, Ўрта Осиёда келинни ўғирлаш ҳолатлари одатий ва зўравонлик амалиётининг "рамзий ёдгорлиги" эканлигини таъкидлади. Бошқа тадқиқотчилар Турсунов ва Абдилдаевларнинг ёзишича, "ала качуу"

Қирғизларнинг қадимги тарихига бориб тақаладиган анъанага асосланиши мүмкін, бунда әркаклар ўзларининг құшни қабилаларини йўқ қилиш ва ўз уруғ-аймоқларини күпайтириш ниятида никоҳ ёшига этган құшни қабилалардан ёш аёлларни ўғирлаб кетишган. Абрамзоннинг таъкидлашича, тарихан келинларни уларнинг розилигисиз ўғирлаш умуман қабул қилинмаган.

Никоҳнинг бир тури сифатида келиннинг ўғирланиши камдан-кам учрайтирилген ҳолат эди. Агар турмуш құрмөңчи бўлган эркакнинг қалин тўлаш учун пули бўлмаса, у аввал оз миқдордаги пулни тўлаган, кейин аёлни ўғирлаш тўғрисида аёл билан келишиб олган. Шундан кейин эркакнинг отаси аёлнинг отасига ташриф буюриб, ўғлининг қилган иши учун кечирим сўраши керак бўлган. Ушбу ташриф "Алдина Тушуу" деб номланади. Ярашгандан сўнг, келиннинг онаси куёвнинг ота-онасиникига ташриф буюриб, у билан бирга ўзига хос совға олиб келади. А.Жумагуловнинг сўзларига кўра, бир киши келинни унинг қариндошлари обрўли одамлар бўлгани ва уни қўллаб-қувватлаши мүмкін бўлган ҳолларда ёки йигитнинг қўйган совчилари омадсизлик қилишганида ёки келиннинг ота-онаси никоҳга қарши чиқишганида ўғирлаб кетишган. Қоидага кўра, ўғирлаш келиннинг розилиги билан содир бўлган.

Каримова ва Касибековнинг ёзишича, XVIII-XIX асрларда қизларни ўғирлаш, агар ота-оналари норози бўлсалар ёки молиявий муаммолар туфайли буни қила олмасалар, севишганлар учун турмуш қуришнинг ягона йўли эди. Турли хил ижтимоий ҳолат камбағал йигитнинг бойнинг қизига уйланишига имкон бермаган. Ушбу номувофиқликка бутун оила қарши чиққан. Ягона йўл "ала качуу" эди. Шу билан бирга, улар қадимда жамият йигитни бундай жасур ҳаракатлари учун қаттиқ жазолаганлигини айтади. "Келинни ўғирлаб кетганлар тошбўрон қилинган ёки миноралардан, шу жумладан Бурана минорасидан улоқтиришган".

Хозирги кунда нашр этилган адабиётлар, олимлар билан суҳбатлар ва ҳозирги тадқиқотларимиз далиллари шуни кўрсатадики, 20-асрдагача келинларни ўғирлаш одатий кам учраган (розилиги билан ёки розилигисиз бўлса ҳам), шунинг учун бу "анъана" бўлган эмас. Анъанавий никоҳ ота-оналар томонидан қабила ичидаги ёки қабилалар ўртасида уюштирилган ёки ҳеч бўлмагандан маъқулланган ».

Екатерина Иващенко. "Фарғона" халқаро ахборот агентлиги<sup>5</sup>

Тавсия этилган адабиёт: Келин ўғирлаш ва кўпхотинлилик: огоҳлантиришнинг ижтимоий, ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Масъ.муҳар. Л.Ч. Сидикова. Бишкек: КРСУ нашриёти 2014. 98 с.: <http://lib.krsu.edu.kg/uploads/files/public/5836.pdf>

**"Фаолият" ва "Бошқариш" мазмуний линиялари**

<sup>5</sup> Батафсилроқ: <https://vesti.kg/proisshestviya/item/12602-ukral-iznasiloval-zhenilsya-dzhigit.html>

Инсон ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мавзуларида ўқувчиларга ногиронликнинг тиббий ва ижтимоий моделларини фарқлашга, мұхитнинг шахс ва ижтимоий ривожланиш учун аҳамиятини тушунишга ва тушунтиришга ўргатиш керак.

Сиёsat ва ҳокимият билан боғлиқ мавзуларда демократиянинг барқарорлиги сиёсий жараёнда әрқаклар ва аёлларнинг иштирок этишлари учун тенг имкониятлар тамойили билан текширилади, бу соҳадаги аёлларнинг ўрни, уларнинг жамият ва сиёsatдаги мавқеи ҳақидаги стереотипларни йўқ қилиш эканлигини кўрсатишидир.

#### **6-мисол. «Ўқитувчи ҳақида иш: ролли ўйин»**

1-қадам. Ўқувчиларни вазият билан таништиринг.

#### **Ўқитувчи ҳақида иш**

2016 йил 1 сентябрда Иванова Ирина Анатолевна Э шаҳридаги 13-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси лавозимига ишга қабул қилинди ва 16 сентябрь куни у мактаб директори Виктор Степанович Петров томонидан ишдан бўшатилди. Иванова Ирина Анатолевна ишдан бўшатиш ноқонуний деб тан олинишини сўраб судга мурожаат қилди.

Судда Виктор Степанович Ирина Анатолевнанинг ишдан олинишини қўйидагича изоҳлади: "Ирина Анатолевна билан меҳнат шартномаси уч ойлик синов муддати билан тузилди. Ирина Анатолевна билимли одам ва агар у ногирон бўлмаганида яхши ўқитувчи бўлиши мумкин. Аммо, афсуски, Ирина Анатолевнанинг чап қўли ўйқ, шунинг учун болалар ундан қўрқишиади - улар йиғлай бошлишади, кимдир ҳамто синфдан қочиб кетади. Ирина Анатолевна 1-синфнинг синф раҳбари эди, болалар жуда кичкина. Ирина Анатолевна билан учрашгандан сўнг, болаларни узоқ юпатишга тўғри келади ва унинг олдида болаларни юпатиш осон бўлмасди. Болаларда психологияк жароҳат пайдо бўлган, шунинг учун улар дарсларга эътиборини қаратма олмаяпти ва ўқув дастурларини ўзлаштира олмаяптилар. Бу эса болаларни таълим олиш учун қонуний ҳуқуқдан маҳрум қилмоқда. Афсуски, Ирина Анатолевнанинг мактабда 2 хафта давомида бўлиши вазиятни яхшиламади - аксарият болалар ундан ҳамон қўрқишиади ва қочиб кетишади, дарс ўтиш мумкин эмас. Бундан ташқари, Ирина Анатолиевна болани зарур ёрдам билан таъминлай олмайди, масалан, тиббий ёрдам кўрсатмайди ёки ёнғин содир бўлган тақдирда болаларни ташқарига олиб чиқолмайди. 14 та ота-она (синфдаги болаларнинг деярли ярмининг ота-оналари) мендан ўз фарзандлари учун янги ўқитувчи топишшими сўрашди, чунки Ирина Анатолевнанинг ўзига хос хусусияти унинг ўрнини эгаллашни имконсиз қиласди. Ушбу вазиятларни инобатга олган ҳолда, мен Ирина Анатолевна синовдан ўтолмайди деб қарор қилдим, З кун ичида мен уни ишдан бўшатиш тўғрисида огоҳлантиридим ва 16 сентябрь куни ишдан бўшатдим".

Ирина Анатолевна судда шундай деди: "Ҳаётда, болалар турли хил одамларга - алоҳида эҳтиёжларга эга, турли миллат ва ирқларга мансуб одамларга дуч келишлари мумкин ва улар албаттада дуч келади ... Агар ота-оналар болаларда бундай хилма-хилликка тоқат қилмаса, бу ишни мактаб қилиши керак ва тоқат қилмайдиган ота-оналарнинг изидан бориш - бу муаммони янада оғирлаштиради.

Алоҳида эҳтиёжларга эга ўқитувчи эмас, балки нотолерант бўлган ота-оналар ва ўз фарзандларини шу тарзда тарбиялаётганлар жамият учун муаммо бўлади. Мактабларда имкон қадар кўпроқ турли ўқитувчилар бўлиши керак - эркаклар ва аёллар, ёш ва қари, турли ирқ ва миллатга мансуб, ногирон ёки ногирон бўлмаган ... Шундагина биз болаларни бағрикенгликка ўргатамиз. Мактаб маъмуриятида менинг малакам ва менинг ишибилармонлик фазилатларим ҳақида шикоятлар йўқ, аммо зарурий тиббий ёрдам кўрсатолмаслигим ва ўт ўчирувчиларни чақира олмаслигим, деган тахминлар бундан мустасно. Мен жараённи ташкил қила оламан - зудлик билан бошқа катталарапни чақираман (ўқитувчилар қўшини синфларда ишлайди), ҳар доим мактабда шифокор бор, бир нечта ўқитувчилар ва ота-оналар синф билан экскурсия ва саёҳатларга борадилар. Умуман олганда, менинг ишдан бўшатилишим камситувчи ва ноқонуний ҳисобланади».

2-қадам. Ролларни тақсимланг: судялар коллегияси (3 киши), директор, ўқитувчи, адвокат, давлат айловчиси, тингловчилар.

3-қадам. Танланган ўқувчилар томонларнинг далиллари тингланадиган йиғилиш ўтказадилар. Жараён иштирокчилари қандай ҳуқуқлар бузилаётгани ва камситиш қандай шаклда намоён бўлганлиги тўғрисида ўз фикрларини асослашлари керак. Судялар ҳайъати мунозаранинг натижаси тўғрисида қарор қабул қиласи.

4-қадам. Рефлексия. Ўқитувчи судялар томонидан қабул қилинган қарорнинг асослигини ўқувчи-tinglovchilar bilan muҳokama қиласи. Agar kерак бўлса, ўқитувчи ҳимоя ёки айловнинг ўтказиб юборилган имкониятларини кўрсатиб ўтиши мумкин.

Ўқитувчи учун шарҳ.

Ушбу топшириқни бажараётганда талabalар қўйидаги ҳуқуқий манбаларга таянишлари тавсия этилади:

1. Инсон ҳуқуқларининг умумий декларацияси.
2. БМТнинг меҳнат ва бандлик соҳасидаги камситиш тўғрисида конвенция.
3. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция.
4. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция.

Ушбу мавзу ижтимоий инклюзия масалаларига бағишлиланган. Ўқитувчи ижтимоий инклюзия тушунчасини очиб беради, ушбу масалани тартибга солувчи асосий тушунчалар, атамалар ва меъёрий ҳуқуқий актларни беради.

## 7-мисол. "Ижтимоий инклюзия: лойиҳавий таклиф" машқи

1-қадам. Ўқитувчи "Ақлий ҳужум" усулидан фойдаланиб, ўқувчиларни кундалик ҳаётда одамлар/ногирон болалар ҳуқуқлари бузилганлиги түғрисида мисоллар келтиришни таклиф қиласи. (*Маслаҳат: поликлиникада, жамоат транспортида, дўконда ва ҳоказо. Ҳозирча мактаб муаммоси ҳал этилмайди*)

2-қадам. Ўқитувчи ўқувчиларни кичик гуруҳларга бирлаштиради ва одамларнинг/ ногирон болаларнинг ҳуқуқлари бузилган воқеани кашф этиш/эслаш вазифасини топшириди ва ушбу муаммоларни ҳал қилиш йўлларини таклиф қиласи.

3-Босқич. Ўқувчилар ногиронлар дуч келиши мумкин бўлган муаммоларни мұхокама қилишади, ногиронларнинг қонуний ҳуқуқлари қай тарзда бузилаётганлигини аниқлайдилар. Сўнгра улар жамоат жойларини ногиронлар учун қандай қилиб қулай қилиш мумкинлигини таклиф қилишади. Жамиятнинг роли ва мажбуриятларини максимал инклюзив қилиш учун тақсимлашади.

4-қадам. Гуруҳлар ўзларининг энг яхши ишланмаларини синфда намойиш этадилар.

5-қадам. Гуруҳлар ишидан сўнг, ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда ўз мактабида болалар / ногиронларнинг ўқиши / ишлаши учун шароитлар яратилганлигини аниқлайди. Агар йўқ бўлса, унда вазиятни тўғирлаш бўйича ўз таклифларини ишлаб чиқадилар.

6-қадам. Таклифлар мактаб веб-сайтида эълон қилиниши, мактабнинг қабулхонасида / дам олиш жойида стендга жойлаштирилиши, шунингдек, ногирон болалар/болаларнинг таълим олиши/ишлаши учун шароит яратиш түғрисида қарор қабул қилиш учун директор, мактаб парламенти ёки бошқа мактаб бошқарув тузилмасига топширилиши мумкин.

### **8-мисол. "Аёл сиёсатчилар" машқи.**

1-қадам. Ўқитувчи коллажни<sup>6</sup> кўриб чиқишини таклиф қиласи (номи айтилмайди) ва у қандай принцип бўйича тузилганлиги ғоясини илгари суради. Мұхими, фаолият доирасини (сиёсат) аниқлаш.

2-қадам. Кичик гуруҳларда ишлаш. Топшириқ: 1) коллажнинг сарлавҳаси; 2) ушбу шахслар түғрисидаги маълумотларни Интернетда топиш (смартфонлардан фойдаланиш мумкин) ёки тарқатма материалларда (қўйида кўринг) ва гуруҳ энг мұхим деб ҳисоблаган маълумот билан коллажни тўлдириш; 3) ушбу коллаж учун мамлакатимиз вакилини таклиф қилиш, бу ҳақда қисқача маълумотнома тайёрлаш. 4) Шахсий лойиҳа учун (ихтиёрий): бошқа мамлакатлардаги сиёсатчи аёллар түғрисида маълумот тайёрлаш.

<sup>6</sup> Коллаж - бу бир нечта ёки кўплаб фотосуратлар ва расмлардан яратилган ўзига хос расм.



Сахле-Ворк Зевде  
Эфиопия

Катрин Якобсдоуттир  
Исландия

?

Элен Джонсон-Серлиф  
Либерия



Ангела Меркель  
Германия

Тереза Мэри Мэй  
Буюк Британия

Пэтси Редди  
Янги Зеландия

### "Сиёсатчи-аёллар" машқига оид қўшимча маълумот

**Элен Жонсон-Серлиф** Африкадаги биринчи президент-аёл. У Либерияда тинчликни таъминлашга, мамлакатда иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга, шунингдек аёлларнинг жамиятдаги мавқенини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Ўзининг табиати ва қатъиятлилиги учун уни кўпинча "Темир хоним" деб аташади. Либериядаги аёлларнинг 75 фоизи савдо соҳасида ишлайди. Шу муносабат билан 2007 йилда мамлакатда "Серлиф бозори аёллар жамғармаси" ташкил этилди. Ушбу ташкилотнинг мақсади бозорларни тиклаш ва қуриш, уларни жиҳозлаш эди. 2011 йилда Нобель қўмитаси Элен Жонсон-Серлифга "Аёллар хавфсизлиги учун зўравонликсиз кураш ва аёлларнинг тинчликни ўрнатишда тўлақонли иштирок этиш ҳуқуқи учун"<sup>7</sup> мукофотини топширди.

<sup>7</sup> Батафсилоқ: Евросиё аёллар ҳамжамияти: <http://eawfpress.ru/press-tsentr/news/ex/zheleznaya-ledi-elen-dzhonson-serlif/>

**Катрин Якобсдоттир** Исландиянинг 28-бош вазири. Рейкьявикда туғилган, Исландия тили ва адабиёти эксперти сифатида таҳсил олган, сўнgra Исландия университетида журналист ва лектор бўлган. 2003 йилда Катрин Чап Яшиллар Ҳаракат раисининг ўринбосари этиб тайинланди. Тўрт йил давомида у Исландиянинг таълим, фан ва маданият вазири бўлган. 2017 йилда у бир неча прогрессив партияларнинг коалициясига раҳбарлик қилиб, 30-ноябрь куни Исландиянинг иккинчи марта аёл Бош вазирига айланди. Оилали, учта ўғли бўлиб, у Исландия футбол жамоасининг<sup>8</sup> ашаддий мухлиси.

**Сахле-Ворк Зевде** - Эфиопия Президенти. Аддис-Абебада туғилган. Францияда табиий билимларни ўрганган, Монпелье университетида олий таълим олган. 1976 йилда ватанига қайтиб, у Халқ таълими вазирлигига ишлай бошлади, кейинчалик ушбу бўлимни бошқарган. Кейин у Ташқи ишлар вазирлигига ўтган. 1989 йилда Зевде Эфиопиянинг Сенегалдаги элчихонасини, шу билан бирга Мали, Гамбия, Гвинея, Гвинея-Бисау ва Кабо-Вердеда элчихоналарни бошқарган. У мамлакат тарихида элчи этиб тайинланган иккинчи аёл бўлди. 2009 йилдан буён БМТда - ушбу ташкилот Бош котибининг Марказий Африка Республикасида (ЦАР) махсус вакили. 2011 йил март ойида у Найробидаги БМТнинг Бош директори этиб тайинланди (БМТ Бош котибининг ўринбосари даражасида), ушбу лавозимдаги биринчи аёл бўлди. 2018 йил 25 октябрда мамлакат парламенти Сахле-Ворк Зевдени президент этиб сайлади. У мамлакат тарихида ушбу лавозимни эгаллаган биринчи аёл бўлди<sup>9</sup>.

**Тереза Мери Мей** Буюк Британиянинг сobiқ бош вазири. Шарқий Сассекснинг Истборн шаҳрида туғилган. У Оксфорд университетини география бўйича бакалавр дипломи билан тутатган. 2016 йил 11 июлдан бери Консерватив партия раҳбари. У Аёллар ишлари бўйича ва тенглик вазири (2010-2012) ва Ички ишлар вазири (2010-2016) лавозимларида ишлаган. Жамоатлар палатаси аъзоси (1997 йилдан ҳозирги кунгача). Тарихда Буюк Британия ҳукуматининг иккинчи аёл(Маргарет Тетчердан кейин) раҳбари. 2019 йил 24 май куни Тереза Мей Буюк Британиянинг Консерватив партияси раҳбари лавозимини 7 июнь куни тарк этишини эълон қилинди, аммо янги консерватив лидер сайланмагунча кабинет раҳбари вазифасини бажаради. 2019 йил 23 июлда Борис Жонсон Консерватив партиянинг янги раҳбари этиб сайланди. 2019 йил 24 июлда Тереза Мей бош вазириликдан<sup>10</sup> истеъфога чиқди.

**Меркель Ангела** - Германия Федерал канцлери. Гамбургда туғилган. 1968 йилда у ГДР-да Рус тили бўйича мактаб олимпиадасида ғолиб чиқди ва СССРга сафар қилиш билан тақдирланди. 1978 йилда Лейпциг университетининг физика факультетини тамомлаган ва 1990 йилгача ГДР Фанлар академиясининг Физика ва химия институтида илмий ходим бўлиб ишлаган ва 1986 йилда физика бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган. 1989 йилда у Демократик Уйғониш ташкилотига қўшилди, бир йилдан сўнг у матбуот котиби, 1994 йилда у атроф-муҳит вазири этиб тайинланди. 2005 йил 22 ноябрда Германия Федерал канцлери лавозимига сайланди. Ангела Меркел биринчи аёл Федерал канцлер бўлди ва шу билан бирга, 51 ёшида, Германия тарихидаги энг ёш канцлер эди. У, шунингдек, ушбу лавозимда янги федерал штатларнинг биринчи вакили ва табиий фанлар бўйича билимга

<sup>8</sup> Сайт «IMDb»: [Internet Movie Database](https://www.imdb.com)

<sup>9</sup> Подробнее: ТАСС, информационное агентство: <https://tass.ru/encyclopedia/person/sahle-vork-zevde>

<sup>10</sup> Подробнее: Сайт «Лига/Досье»: <https://file.liga.net/persons/mey-tereza>

эгас бўлган биринчи федерал канцлердир. 2018 йил 14 март куни Германия Бундестаги Ангела Меркелни кетма-кет тўртинчи муддатга<sup>11</sup> Германиянинг Федерал канцлери этиб сайлади.

**Редди Пэтси** - Янги Зеландиянинг 21-генерал-губернаторидир. Матамата шаҳрида туғилган. У Веллингтондаги Виктория Университетида ўқиган, 1976 йилда ҳуқуқшунослик бўйича бакалавр даражасини, 1979 йилда эса ҳуқуқшунослик магистри даражасини имтиёзли диплом билан тамомлаган.

Виктория университети юридик факультетида ўқитувчи бўлиб ишлаган. 1982 йилда у Веллингтондаги «Watts and Patterson» адвокатлар фирмасига ишга жойлашди ва солиқ ҳамда корпоратив ишларда, шунингдек фирманинг кино ишлаб чиқариш соҳасида ихтисослашган биринчи ҳамкор-аёлига айланди. 2016 йилда Янги Зеландия ҳукуматига Янги Зеландия разведка агентликларига нисбатан қонунларни қайта кўриб чиқишига тегишли бўлган мустақил доклад тайёрлади, унда янги зеландияликларнинг шахсий хабарларини назорат қилиш бўйича Давлат коммуникациялар хавфсизлик хизмати ҳуқуқларини кенгайтириш тавсия этилган. 2016 йилда Елизавета II Пэтси Реддини Жерри Матепараининг<sup>12</sup> ваколат муддати тугаши муносабати билан Янги Зеландия генерал-губернатори лавозимига тайинланишини маъқуллади.

---

<sup>11</sup> Там же: <https://file.liga.net/persons/angela-merkel>

<sup>12</sup> Подробнее: Сайт «Личности»: [https://persons-info.com/persons/REDDI\\_Petsi](https://persons-info.com/persons/REDDI_Petsi)

## Тарих дарсларида гендер тенглик, ижтимоий инклузия ва камситмаслик тамойилларини ўқув жараёнига киритишга мисоллар

Тарихни ўрганишга бўлган гендер ёндашиш бизга тарихий жараёнларга мутлақо бошқа нуқтаи назардан қарашга имкон беради. Инсоният ривожланишида жинсларнинг ролига қилинаётган урғу жараёнлар моҳиятига чуқурроқ кириб боришга имкон беради.

Гендер методологиясини ўзлаштиришда дастлабки босқич бўлиб категориал аппаратни ўзлаштириш ва ундан фойдаланишини билиш ҳисобланади. Мухим асосий тушунчаларни яна бир марта аниқ қайд этиш зарур.

Гендер (инглизча «gender»)- жинс. Гендер - бу аёллар ва эркаклар ҳаммамиз бўлган жойда, маълум полоролли стереотиплар<sup>13</sup> шаклланган дунёда ҳаётнинг акси ҳисобланади. Категория сифатида жинс икки элементдан иборат: биологик жинс (жинс) ва ижтимоий жинс (gender). Гендер - бу жинс белгисига кўра тавсиф ва жамият асосларидан бирини намоён этади. Гендер - бу ижтимоий муносабатлар, биологик жинс эмас, балки ижтимоий муносабатлар атамаларида ҳар бир индивидуалликнинг намоён бўлиши. Олимлар гендер муносабатларни яъни, эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатларни ижтимоий ташкилотнинг бир қисми сифатида кўриб чиқадилар.

"Тарихий дунё" асрлар давомида сиёсий воқеаларнинг кўплиги билан "эркаклар дунёси" сифатида шаклланган, бунда аёл ҳам эркак каби жамиятнинг маданий ва ижтимоий меъёрларига<sup>14</sup> мувофиқ хатти-ҳаракатларнинг муайян моделига амал қилган.

"Эркаклар дунёси" бу жамиятни ташкил қилишнинг иерархик үсулидир. Гендер иерархияси барча иерархик тизимларнинг энг кучли ва энг чидамлигидир. У асрлар давомида гендер моделларини акс эттирган ва гендер ўхшашлигини шакллантирган. Жинсларнинг камситилиши инсон тафаккурида кучли из қолдирди. Эркаклар маданияти, унинг қадриятлари мутлақ; эркак кучларини қўллаш соҳаси - бу ижтимоий фаолият, фан, санъат. Аёл ҳар доим эркакка бўйсуниши, оиланинг фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиши шарт эмас; унинг тақдиди - уй ишлари.

Гендер назариясида патриархал ва матриархал атамалари ишлатилиб, улар гендер нотенгликни кўзда тутган полоролли муносабатларнинг қатъий тартиба солинган, жамиятнинг архаик ўюнтирилишининг маълум тамойилига урғу беради. Эркак - боқувчи, аёл – оила соқчиси. Андроцентрик (юонча - эркак) ёндашув тарихда қадимги давлардан бери аёл фуқаролик ҳуқуқининг субъекти<sup>15</sup> ҳисобланмагандага сингдирилган, ривожланиб келган, бу ўринда аёл фуқаролик ҳуқуқининг предмети бўлмаган.

Юз йиллар давомида аёллар жамоат ҳаётидан ва ҳокимият соҳасидан четлаштирилган, бу уларни тарихчиларга деярли кўринмас қилиб қўйган. Антик давр ва Ўрта асрлар историографияси бизга ёрқин аёл сиймоларни қолдирди: Жанна Д'Арк, Буюк Екатерина ва бошқалар, аммо улар аёлларга хос бўлмаган хатти-ҳаракатлари туфайли из

<sup>13</sup> Косых Е.С. Использование гендерной методологии в изучении истории: Международный научный журнал «Инновационная наука» № 04-4/2017 ISSN 2410-6070

<sup>14</sup> Л.П.Репина. Женщины и мужчины в истории: Новая картина европейского прошлого, - Издательство Российской политической энциклопедии, 2002 г

<sup>15</sup> Шутова, О. М. Тенденции антропологизации в современной историографии: история повседневности, устная и гендерная истории / О. М. Шутова // Крыніцазнанства і спецыяльныя гістарычныя дысцыпліны. Вып. 1 / рэдкал.: С. М. Ходзін (адк. рэдактар) [i інш.]. — Мінск: БДУ, 2002.

қолдирғанлар. Антик давр файласуфлари "инсон" иборасини ишлатиб, эркакни назарда тутишган. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб аёл ўзини-ўзи англашининг пайдо бўлиши ҳақида гапириш мумкин.

XX аср бошларида бир қатор мамлакатларда аёлларга сайлов ҳуқуқи берилган. Биринчи ва Иккинчи Жаҳон Уруслари аёлларни ишлаб чиқаришга олиб келди ва уларнинг ижтимоий мавқеини ўзгартирди. XX асрнинг 60-йиллар бошларида "аёл тарихи" пайдо бўлади - бу биринчи навбатда аёллар тарихи; иккинчидан, тарихий жараёнга бўлган аёлларнинг қарашлари. 1980-йилларда тарих илмида "гендер" тушунчаси яратилди.

Гендер тарихи мавзуси, шахснинг роли уларнинг жинсига боғлиқ бўлган ҳаётнинг энг қизиқарли тарафи ҳисобланади. Гендер ёндашуви ҳаётнинг оиласда, уй хўжалигида ишлаш, ижтимоий ишлаб чиқаришда ишлаш, дин, таълим, маданият ва бошқа соҳалар тадқиқотида самаралидир. Тарихчилар ўтмишдаги аёлларнинг тақдирини иқтисодий, сиёсий, мафкура ва маданиятдаги ижтимоий силжишлар билан боғлаб таҳлил қилишади.

Жоан Смитнинг гендер тадқиқотига амал қилган ҳолда, тарихий материалларни таҳлил қилишда мантиқий схемадан фойдаланиш самарали бўлади:

1. Маданий белгиларнинг таҳлили, яъни жамиятда аёл ва эркак образи тушунчалари қандай тузилган
2. Меъёрий-қонуний нуқтаи-назардан образларни бирлаштиришнинг таҳлили (диний, ҳуқуқий, сиёсий таълимотларда)
3. Ижтимоий-институционал тарихни таҳлил қилиш (ҳокимиятни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жамиятнинг барча соҳаларида қандай амалга оширилади: оила, ижтимоий қатлам<sup>16</sup>, давлат)
4. Жинсий ролларнинг индивидуал-психологик идрокини таҳлил қилиш (идеал эркак ва аёлнинг маданий тасвирий образлари билан гендер ўзига хослик мос келадими).

Мактаб тарих дарслиги деярли ҳар доим "омма тарихи"га мос келган, шунинг учун урушлар, сиёsat, санъат, инқилоблар, иқтисодиёт ва ҳоказолар ҳақидаги материаллар дарсликка жойлаштирилган. Бироқ, шу билан бирга, фуқаролар ва қишлоқ аҳолисининг ҳаёти, турмуш тарзи, болаларни қандай тарбиялаганлиги, қандай мактаблар бўлганлиги, одамлар бўш вақтларини қандай ўтказганлиги ва ҳоказолар ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шунга кўра, дарсликларда аёлларга бағишлиланган саҳифалар жуда оз, чунки эркаклар ҳукмронлигининг бу турларида кам сонли аёллар машҳур бўлишган.

Тарих нафақат ўз табиатига кўра "эркаклар тарихи", балки XX асргача тарихчилар ҳам асосан эркаклар бўлган. Шунинг учун тарихда асосан макродунё тасвиранган. Бу тарихий шахслар танловини ҳам аниқлаган - бу кўпинча ҳукмдорлар, таниқли сиёsatчилар,

<sup>16</sup> Страна социальная (от лат. *stratum* — слой, пласт) — социальный слой (или группа), объединенный общим общественным признаком (пол, возраст, уровень дохода, уровень образования, область интересов, место проживания и т. п.) или сочетанием нескольких признаков (характеристик).

инқиlobчилар, ҳарбийлар, фан ва санъат вакиллари бўлишган. Аёллар танлаб олинган тарихий шахслар қаторига, агар улар ушбу эркак ролларини муваффақиятли бажарган бўлсаларгина қўшилган. Шахсий ҳаёт тарихда мавжуд, бироқ бу фақат тарихий шахсларнинг шахсий ҳаёти.

Шундай қилиб, тарих дарсликлари жамиятдаги гендер асиметриясининг ҳолатини акс эттиради, тарихий жараёнда аёлларнинг ролини камайтириб, сиёсий ва ҳокимият структураларидаги эркакларнинг ҳукмрон мавқеи ҳақидаги стереотипларни акс эттиради.

Гендер тарихи нафақат аёлларни тарихга қайтаришни, балки эркаклар ва аёлларнинг муносабатлари орқали тарихни ва яна тарихни аёллар кўзлари билан тақдим этиш вазифасини қўйди. "Аёллар тарихи"нинг шаклланиши илмий айланишга, тарихий манбанинг янги типини - аёллар кундаликларини, эсдаликларини ва бошқаларни жорий этишга имкон берди. Ушбу манбалар тадқиқотчиларга микро-тарихга эътибор беришга имкон яратди: оила тарихи, ижтимоий қатлам тарихи, кундалик ҳаёт тарихи. Бугунги кунда ушбу муаммоларнинг барчаси нафақат жинслар тарихида, балки ижтимоий тарихда ёки кундалик ҳаёт тарихида ҳам мавжуд.

Гендер тарихи янги тарихий фан сифатида "эркак" ёки "аёл" тарихига қараганда кенгроқдир, чунки унинг вазифаси комплементар эмас (қўшимча), компенсация қилмайдиган (бирор нарсанинг етишмаслиги), қайта кўриб чиқмайдиган (эски ғоялар, эски ёндашувлар), балки айнан, синтезловчи.

### **1-мисол. Дарснинг мавзуси: "Манас" достонидаги аёллар тасвири**

8-синф ўқув дастури. 20-мавзу: "Манас" қаҳрамонлик достони (дастурга мувофиқ 2 соат)

Тавсия этилган стратегия: Матн парчалари билан ва сўнгра мұхокама тарзида гуруҳда ишлаш.

